Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 131 (8871). ● 1986 йил 4 июль, жума ● Баҳоси 3 тийин.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ хўжалик юклари ва пассажирлар ташиш юзасидан ўн биринчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган катта ютуқлари ва меҳнатда жасорат кўрсатганликлари учун қуйидагиларга **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ва **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин.

Андрей Григорьевич **Андреевга** — Белоруссия темир йўлининг бошлиғи, Минск шаҳри.

Евгений Васильевич **Андреевга** — Казатин локомотив депосининг машинисти, Винница области.

Виктор Яковлевич **Дмитриевга** — Георгиу-Деж юк вагон депосининг назоратчиси, Воронеж области.

Ҳабибулла Олимжонович **Исамуҳамедовга** — Тошкент локомотив депосининг машинисти, Ўзбекистон ССР.

Нина Андреевна **Карповага** — Инская станцияси парки навбатчиси, Новосибирск области.

Бакай **Кереевга** — Гурьев йўл дистанциясининг йўл мастери, Қозоғистон ССР.

Василий Николаевич **Черняевга** — Виборг локомотив депосининг токари, Ленинград области.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1986 йил 3 июль.

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН ҚАТЪИЯТ БИЛАН БОРАЙЛИК

3 июль куни Тошкентда республика партия активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда республика партия, совет, касаба союз, комсомол органлари ва халқ контролининг раҳбар ходимлари, область партия комитетларининг биринчи ва иккинчи секретарлари, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ва область ижроия комитетларининг раислари, фан, маданият, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, корхона ва бирлашмаларнинг раҳбарлари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, ишлаб чиқариш илғорлари қатнашдилар. «КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг якунлари ва унинг қарорларини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Д. С. Ёдгоров, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Навоий ремонт-механика заводининг электр пайвандчиси Н. В. Коваленко, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова, Андижон область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Смеюшчев, Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси бўяш-гул солиш ишлаб чиқаришининг контролери К. М. Бойбобоева, Жарқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари А. А. Норқобилов, Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри Г. Г. Исаев, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Р. З. Ҳусаинов сўзга чиқдилар.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар қатнашдилар.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг сектор мудири В. И. Бессарабов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1986 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА УНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўртоқ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ доклади

Ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг 16 июнь куни бўлиб ўтган Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев доклад қилди. Пленум совет жамиятини иқтисодий, илмий-техникавий ва социал жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштиришнинг КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан йўлини амалга оширишнинг дастлабки якунларини чиқарди, қайта қуриш қандай бораётганини чуқур ва атрофлича таҳлил этди.

«Совет жамияти КПСС XXVII съездидан кейин, — деб таъкидлади докладда М. С. Горбачев, — барча соҳаларда — сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларда ҳаракатга келди». Социал-иқтисодий тараққиёт қудратли, жўшқин куч олди. Съездда ҳукм сурган талабчанлик, ҳақгўйлик муҳити партия, совет, хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг ҳаёти ва фаолиятида тобора кўпроқ қарор топмоқда, барча амалий ишларга самарали таъсир ўтказмоқда.

Пленум партиянинг иқтисодий стратегиясини амалга оширишда ўн иккинчи беш йилликнинг роли ва ўрнини белгилаб берди. Янги беш йиллик бутун жадаллашувимиз ва қайта қуришимизнинг энг муҳим негизи, гарови бўлиб қолиши лозимлигига асосланиб, миллий даромадни, саноат ва бошқа тармоқларнинг маҳсулотини кўпайтиришнинг ҳаммасини фақат меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олиш мўлжалланмоқда. Агросаноат комплексининг, капитал қурилиш ва бошқа тармоқларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Халқ фаровонлигини ошириш соҳасида катта тадбирлар кўзда тутилган. Бу эса партия учун КПСС XXVII съезди қабул қилган социал ривожланиш программасини бажаришдан ҳам олий вазифа йўқлигининг янги далилидир. Ўн иккинчи беш йилликда меҳнаткашларнинг ўртача ойлик иш ҳақини, реал даромадларини, ижтимоий истеъмол фондларини кўпайтиришни таъминлаш планлаштирилмоқда.

Совет давлатининг актив тинчликсевар ташқи сиёсатини бутун тараққийпарвар инсоният кенг миқёсда қўллаб-қувватламоқда. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг 1986 йил 10—11 июнь кунлари Будапештда бўлиб ўтган кенгаши якунлари тўғрисида қарор қабул қилди, Совет делегациясининг фаолиятини маъқуллади.

Пленум материалларини, КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасини ишчилар, колхозчилар, халқ зиёлилари қизғин маъқулладилар.

Пленумда таъкидлаб ўтилганидек, энди кўп нарса жойлардаги уюшқоқлик ва тартибга, яъни бизнинг ўзимизга боғлиқ. Мавжуд ресурслар, воситалар ва кучлар билан қатъий олға силжишни таъминлаш, бунинг учун ҳал қилувчи соҳаларда ташкилотчилик ва сиёсий таъсирнинг бутун воситаларидан фойдаланишдан иборат битта вазифа ўртага қўйилмоқда.

XXVII съезддан кейин ўтган вақт ичида республика партия ташкилотимиз фаолиятининг дастлабки натижалари нимадан дарак беради? Бу саволга бир сўз билан жавоб қайтариб бўлмайди.

Бир томондан, одамларнинг ишга муносабатида шак-шубҳасиз ўзгаришлар рўй бермоқда, кўпгина соҳаларда масъулият, уюшқоқлик ва батартиблик сезиларли равишда ошмоқда. Бу омил кўп жиҳатдан республикадаги саноат ишлаб чиқариши ҳажми йил бошидан бери 7,6 процент, яъни планда белгиланганидан қарийб икки ҳисса ортиқ кўпайишига, меҳнат унумдорлиги 5,6 процент ошишига имкон берди. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланмоқда. Масалан, саноат маҳсулотининг таннархи бир ярим процентдан зиёд камайди. Ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жойлар, социал-маданий-маиший объектлар кўпроқ ишга туширилди. Республиканинг қишлоқ меҳнатчилари совуқ ва бекарор об-ҳаво шароитида пилла тайёрлаш мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Иккинчи томондан, кўпгина участкаларда қолоқликка, жиддий камчиликларга, айрим жойларда эса очиқдан-очиқ ўпирилишларга йўл қўйилганлиги ҳақида яна гапиришга тўғри келади. Йил бошидан буён 84 та корхона маҳсулот реализация қилиш планини, 210 та корхона меҳнат унумдорлиги планини бажармади, 250 тага яқин корхона шартномавий мажбуриятларини барбод этиб, 90 миллион сўмликдан кўпроқ турли маҳсулотларни бермади. Қолоқ корхоналар Самарқанд, Қашқадарё областларида, Андижон шаҳрида, Косон районида, Енгил ва Маҳаллий саноат министрликларида айниқса кўп.

Иккинчи кварталда қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ва капитал маблағларни ўзлаштириш анча қисқарди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳозирча сезиларли қайта қуриш бўлаётгани йўқ. Республика йилнинг биринчи ярмида сут харид қилиш планини бажармади. Планни бажаришимизга 2,5 процент етмаганлиги кўпгина хўжаликлар раҳбарларининг интизомсизлигидан ва топширилган ишга масъулиятсизлик билан қараганликларидан дарак беради. Давлат агросаноат комитетининг раҳбарлари, шунингдек партия комитетларининг ходимлари шулар жумласига киради.

КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми бизни бундай ишлашга даъват қилгани йўқ. Қайта қуриш аввало ҳар бир коммунистдан ва аввало раҳбардан шахсий намуна кўрсатишни, таъбир жоиз бўлса, фидокорликни талаб қилаётганини кўпгина ўртоқлар бугунги кунгача ҳам ҳеч тушуна олмаяптилар. Бизнинг ишимизда авайловчи режимга йўл қўйиб бўлмайди. Республика мамлакатдан қарздор эканини ҳаммамиз жуда яхши биламиз. Бизнинг XXI партия съездимизда бу ҳақда аниқ-равшан гапирилди. КПСС Марказий Комитети бизнинг олдимизга мавжуд катта меҳнат ресурсларини ишга солиш, аҳолини чорвачилик маҳсулоти билан ўзимиз таъминлашимизга ўтиш, республиканинг барпо этилган иқтисодий потенциалидан фойдаланиш даражасини ошириш вазифасини ҳақли равишда қўймоқда.

Биз Марказий Комитет Бюросида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани кўрсаткичларини қараб чиқдик. План нақадар тиғиз қилиб тузилган бўлмасин, у кўпгина проблемаларни тўла-тўкис ҳал этмайди. Қишлоқ хўжалик тармоғи маҳсулотининг баъзи турларини етиштиришнинг, социал ва маданий-маиший объектлар қурилишининг кўнгилдагидек даражасини, саноатнинг баъзи тармоқларини, айниқса озиқ-овқат-қайта ишлаш тармоғини пропорционал ривожлантиришни таъминламайди. Республика халқ хўжалигини интенсив ривожланиш йўлига ўтказишни таъминлаш учун биз жуда зўр ғайрат билан меҳнат қилишимиз керак. Биз миллий даромадни ўн биринчи беш йилликдаги 2,9 миллиард сўмликдан 5,7 миллиард сўмликка етказишимиз керак. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми камида 28 процент, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми 16 процент ортиши лозим. Мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини техника билан қайта қуроллантиришнинг кенг программасини амалга ошириш зарур. 38 миллиард сўм, яъни ўтган беш йилликка нисбатан 12 процент кўп капитал маблағ ўзлаштирилиши лозим, шунинг учун бир қисми ноишлаб чиқариш объектлари барпо этишга, уй-жой қурилишига ва маданий-маиший соҳани ривожлантиришга ишлатилади.

Мана шундай шароитда айрим раҳбарларнинг ишни ташкил этиш ўрнига камроқ план олиш учун зўр бериб ҳаракат қилишларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Афсуски, баъзи область партия комитетларининг биринчи секретарлари, чунончи Бухоро обкомидан ўртоқ Жабборов, Сурхондарё обкомидан ўртоқ Мамарасулов, Жиззах обкомидан ўртоқ Умаров, Қашқадарё обкомидан ўртоқ Туробов мана шундай позицияда турибдилар. Планлар реал бўлиши кераклиги шубҳасиз, аммо ўртоқ Туробов ҳосилдорликнинг гектар бошига 25 центнер бўлишини ҳам таъминламайдиган миқдорда пахта етиштиришни талаб қилганида реал позицияларни ҳимоя қилаяптими? Хўш, бу ҳолда Қашқадарё области қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланган капитал маблағларнинг самарадорлиги қандай бўлади, деган савол туғилади. Бу ишга кейинги ўн йил ичида озмунча эмас — 2 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфландику, ахир.

Биз юқорида номлари тилга олинган ўртоқлар билан бирга КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида қатнашдик, шунинг учун ҳам биз Пленум ғоялари ва йўл-йўриқларини биринчи навбатда зўр ғайрат билан амалга оширишимиз ва бу соҳадаги ишларнинг ташкилотчилари бўлишимиз керак. Агар биз иш услубимизни чинакамига қайта қуриб олсак, планларимиздан чўчишга асос бўлмайди, ҳозирча биз қайта қуриш ҳақида кўп гапиряпмиз-у, амалий ишни кам қиляпмиз. Дарҳақиқат, Самарқанд область партия комитетининг иш услубини олиб кўрайлик. Унинг иш услуби ҳозирча ўзгармаяпти. Ҳаёт аввалгидек юқоридан берилган кўрсатмага мувофиқ, буйруққа биноан давом этмоқда. Областга турли вакиллар, текширувчилар келганидагина ҳамма нарса ҳал бўлмоқда ва равшанлашмоқда. Чигитни ундириб олишда шундай бўлди, ғўза парвариши, сув ва ўғитдан фойдаланиш иши ҳам шу таҳлитда бормоқда. Область партия комитетининг саноатга раҳбарлик қилувчи секретари ўртоқ Умаров шу пайтга қадар ўз участкасида кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш билан шуғуллангани йўқ. Область саноати йилнинг биринчи ярмида товар маҳсулоти ишлаб чиқариш планини барбод қилди, корхоналарнинг чорак қисмидан кўпроғи маҳсулот етказиб бериш планини, кўп қисми меҳнат унумдорлиги планини узлуксиз бажармай келмоқда. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида Самарқанд район партия комитетининг маҳаллий Советларга раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолиятида бепарволик ва хотиржамлик манзараси кўрсатиб ўтилганлиги тасодифий ҳол эмас. Бу районда уй-жой қурилишини кенгайтириш учун шу пайтга қадар куч ва маблағ топилмаган, аммо «муқаддас мозор» ёнида диний бино қуриш учун чекланмаган ресурслар топилган. Кейинги икки йил ичида шу райком 500 та қарор қабул қилган, бу қарорларнинг жуда кўпчилиги дабдабозлик руҳида бўлиб, конкрет тусда эмас. Бу райком амалий ишлардан олисда турибди, уни ишлар ҳам, кадрлар ҳам, пировард натижалар ҳам қизиқтирмайди. Райкомнинг биринчи секретари ўртоқ М. Шерқулов район Советининг сессиясида КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш соҳасидаги вазифалар муҳокамасида сўзга чиқишни ҳам ўзига эп кўрмаган. У Марказий Комитетнинг Бюросида ишдан олинди. Бироқ нега партиянинг янги йўл-йўриқлари ва талабларини мазкур райком раҳбарлик учун қабул этмади, бу йўл-йўриқлар ва талаблар нега бу ерга етиб бормади, деган савол туғилади. Область партия комитети айни шу район комитетини областдаги энг яхши район комитетларидан бири деб ҳисоблаётганини айтиб ўтиш ўринлидир. Самарқанд область партия комитетидан, қачонгача бу ерда сусткашлик, пассивлик ва хотиржамлик давом этаверади, деб сўраш ўринли бўлса керак. Обком ва унинг биринчи секретари ўртоқ Р. С. Ашуралиев кадрлар билан, бошланғич партия ташкилотлари билан, район ва шаҳар партия комитетлари билан ташкилотчилик иши қониқарсиз йўлга қўйилганлиги учун область партия конференциясида жуда кескин танқид қилинган эди. Бироқ узил-кесил хулосалар чиқариб олинмади.

Бошқа баъзи раҳбарлар ҳам шундай баҳога лойиқдирлар. Бугун биз бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари олдимизга қўяётган юксак талабларга тўла мувофиқ равишда мутлақо аниқ-равшан ва рўй-рост гапириб ўтмоқчимиз. Биз ёмон ишлаётганлар билан бундан буён муросасозлик қила олмаймиз ва қилмаслигимиз керак.

Гап аввало, адолат юзасидан айтганда, ўзимиздан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарларидан бошлаб, тафаккуримиз ва ҳамма ҳаракатларимизни тубдан қайта қуриш ҳақида бормоқда. Бу гап шу залда ўтирган ҳар бир кишига, планларнинг тақдири, республиканинг фаровонлиги ишониб топширилган кишиларга тааллуқлидир. Иш услубидаги турғунлик асоратини бартараф этиш, бошқаларга нисбатан таъналар ва жиззакилик ниқоби остида ўз камчиликларини яшириш иштиёқини тарк этиш амри маҳолдир. Қайта қуриш ва жадаллаштириш — энди биз яшаб турган реал макондир. Бу — қийин ва қатъий иқдир. Ҳар бир раҳбар партия билан замоннинг талаблари умуман ҳаммага эмас, балки, аввало, унинг ўзига қаратилганини тушуниб олиши керак. Фақат бошқаларга нисбатан қаттиққўл бўлиб, айни вақтда ўзига нисбатан оширилган талаблар қўймаслик — масъулиятсизликдир. Масъулият аввало ўзи учун мажбурият қабул қилишни тақозо этади, ўртоқлар. Амалий ишларда кўпгина раҳбарлар ўтмишдаги хатолар ва камчиликларни рўкач қилишни тўхтатишлари керак. Кечаги кунни танқид қилиш зарур, аммо бугунги ва эртанги кун манфаатларини кўзлабгина шундай қилиш зарур. Акс ҳолда ҳар қандай сафсатабозлик каби ўтмишни ҳадеб танқид қилавериш ҳам зарар келтиради. Хуллас бизнинг ҳозирги услубимизни, очиғини айтганда обдон тозалаб олишимиз керак.

Яхшиланиш сари бошланган иш услубидаги янгиликларни мустаҳкамлаш кераклиги шубҳасиз, бироқ кўпчилик соҳаларда биз вужудга келган аҳволни кескин ўзгартиришимиз, сифат жиҳатидан янги марраларга эришишимиз лозим.

Аввало ўтган беш йилликда вужудга келган нохуш тенденцияни бартараф этиш керак, ўтган беш йилликда саноатдаги янгиланиш суръатлари 1980 йилга нисбатан икки баравар камайган ва бултур атиги 7 процентни ташкил қилган эди.

Республикадаги бир ярим мингта саноат корхонасидан 900 тага яқини ҳеч кечиктирмай реконструкция қилиниши ва техника билан қайта қуроллантирилиши керак. Бундай корхоналар машинасозлик соҳасида минерал ўғит ишлаб чиқариш, мебель, енгил, маҳаллий саноатда, қора ва рангли металлургияда айниқса кўп. Масалан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидаги технология асбоб-ускуналарининг чорак қисми 20 йилдан ортиқ вақтдан бери ишлатилмоқда, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида бундай асбоб-ускуналар 70 процентни ташкил қилади. Ҳолбуки, ўтган беш йилликда бу корхоналар асосий ишлаб чиқариш фондларининг атиги 2 проценти янгиланди.

Шу билан бирга ўн иккинчи беш йиллик планида ҳам кўпгина министрлик ва идоралар янги қурилишга катта капитал маблағ сарфлашни кўзламоқдалар, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишга ва техника билан қайта қуроллантиришга ажратилаётган маблағларнинг салмоғи ҳаддан ташқари камлигича қолмоқда. Чунончи, қора металлургия корхоналарида бу маблағ атиги 28 процентни, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарида 25 процентни, Мебель ва ёғочсозлик министрлигида 18 процентни, Дон маҳсулотлари министрлигида 19 процентни ташкил этади.

Бунга бериладиган партиявий баҳо фақат битта бўлиши мумкин: Қурбонов, Қўйбоқаров ва Дудин ўртоқлар XXVII съезд ва партия Марказий Комитетининг июнь Пленуми кўрсатмаларидан зарур хулосаларни чиқариб олмаяптилар, энг муҳим талабларни менсимаяптилар. Биз бунга муросасозлик билан қарай олмаймиз ва қарамаймиз ҳам. Бу раҳбарлар шу йилнинг ўзидаёқ ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан янгилашга ёндашувни қатъиян қайта кўриб чиқишга, бу ишни жадаллаштириш учун қўшимча резервлар топилишига эришишга мажбурдирлар. Бу топшириқни Марказий Комитет қатъият ва изчиллик билан контрол қилиб туришга ваъда беради.

Афсуски, бошқа кўпгина корхона ва ташкилотларнинг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари ҳам ҳозирги замон фан-техника революцияси билан баравар одим ташламаяптилар, реконструкциялаш ниқоби остида кечаги кун техникасини ўрнатмоқдалар, шу тариқа яна кўп йиллар ва ўн йиллар мобайнида техникавий қолоқликни давом эттиришга асос солмоқдалар.

Характерли бир мисол. Бухоро пойабзал фабрикасининг янги ишлаб чиқариш корпуси қуриб битказилмоқда. Бир миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди, аммо кирза этиклар ишлаб чиқаришга мўлжалланган эски асбоб-ускуналар ўрнатилган, ҳолбуки касод бўлиб ётган бу маҳсулотни эски корхоналар ҳам етарли равишда ишлаб чиқармоқда. Шу ердаги тикувчилик бирлашмасида қурилаётган янги цех лойиҳасида қишки кийим тикиш учун салкам 3 миллион сўм турадиган янги асбоб-ускуна ўрнатиш кўзда тутилган. Корхона планига эса асосан ёзги кийимлар ишлаб чиқариш киритилган, натижада реконструкциянинг бир босқичини тугалламай туриб иккинчисини бошлашга тўғри келади. Сергели мебель бирлашмасида

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми навбатдаги мажлисида ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети учинчи сессияси кун тартибини кўриб чиқди, шунингдек республика Олий Совети план-бюджет комиссиясининг Ўзбекистон ССРни социал ва иқтисодий ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат планини план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялар дастлабки тарзда кўриб чиқиб бўлганлиги ҳақидаги ахборотини тинглади.

Президиум Самарқанд шаҳар халқ депутатлари Советларининг ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда халқ истеъмоли товарлари сифатини яхшилашни контрол қилишда депутатлар ҳамда уларнинг комиссиялари, группалари ва постлари ролини ошириш борасидаги ишларини муҳокама қилди. Шаҳар маҳаллий Советлари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, бу товарлар сифатини яхшилаш, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун катта имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланмаётганликлари, улар экономикага раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолиятларини КПСС XXVII съезди қарорлари асосида қайта қуришни жуда секин олиб бораётганликлари таъкидланди. Советларнинг ижроия комитетлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бошқариш ва хўжаликни юритиш, корхоналар куч-ғайратини мувофиқлаштириш, улар фаолиятини контрол қилишнинг етилган масалаларини эскичасига, асосан мажлислар ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш йўли билан ҳал этишга уринмоқдалар. Доимий комиссиялар, ишлаб чиқаришдаги депутатлар группалари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга тегишлича эътибор бермаётирлар. Уларнинг кўплари бўш ишламоқда, ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкалари устидан контрол ўрнатмаганлар, техника билан қайта қуроллантириш, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш, раҳбарликнинг иқтисодий методларини жорий этиш масалалари юзасидан хўжалик раҳбарларининг ҳисоботини тингламаяптилар.

Оқибатда шаҳардаги бир қатор корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планини муттасил бажармай келмоқда, харидоргир буюмлар ишлаб чиқариш кўпаймаяпти, уларнинг баъзи турларини ишлаб чиқариш эса камайиб кетмоқда, маҳсулот сифати жуда секинлик билан яхшиланмоқда, «Н» индексли буюм хиллари кўпайтирилмаяпти. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланилмаётир. Техника тараққиётига сарфланган ҳар бир сўмнинг самараси ҳали ҳам жуда кам.

Президиум Самарқанд шаҳар маҳаллий Советлари ижроия комитетлари зиммасига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашнинг ҳамма резервларини сафарбар этиш юзасидан амалий чораларни кўришни юклади. Ана шу чораларни амалга оширишда депутатларнинг, доимий комиссиялар ва депутатлар постларининг ролини кучайтириш тавсия қилинди. Халқ депутатлари ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатини яхшилаш учун курашда шахсий намуна кўрсатишлари, меҳнат коллективларини ўз ортларидан эргаштириб боришлари керак.

Президиум мажлисида халқ депутатлари Советларининг дин тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини контрол қилиш соҳасидаги ишлари кўриб чиқилди. СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ республикада виждон эркинлиги тўғрисидаги Конституция қоидалари бажарилаётганлиги, кўпгина диний бирлашмалар қонун доирасида ўз вазифаларини эркин амалга ошираётганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга Президиум Советлар ҳали дин тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан контролни етарли даражада самарали амалга оширмаётганлигини уқтирди. Дин тўғрисидаги қонунлар бузилиши фактлари юзасидан ҳамиша ҳам таъсирчан чора-тадбирлар кўрилмайди. Натижада республикада рўйхатга олинмаган диний бирлашмалар ва дин пешволари мавжуд бўлиб, улар қонунга хилоф диний фаолият билан, болаларга динни ўргатиш, ғайриқонуний адабиётлар тайёрлаш ва тарқатиш, ўзбошимчалик билан ибодатхоналар қуриш, зарарли урф-одатларни тарқатиш, «муқаддас жойлар» деб аталган жойларга зиёрат ташкил этиш билан шуғулланмоқдалар. Советларнинг бундай ғайриқонуний фаолиятга бефарқ қараши диндорларнинг диний туйғуларидан фойдаланиб кун кечирадиган турли фирибгарларнинг кўпайишига, диний қарашларнинг ва тасаввурларнинг қарор топишига ёрдам беради, жамият ва шахс манфаатларига зарар етказади.

Халқ депутатларининг кўпгина район ва шаҳар Советлари вужудга келган диний вазиятни объектив баҳоламаётирлар, бу масалада аҳвол ёмон эмас, деган сохта йўлни тутмоқдалар. Дин ҳақидаги қонунларга риоя этилишини контрол қилишга кўмаклашувчи комиссиялар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажармаяпти, қонунларнинг қўпол бузилишига лоқайд қараб келмоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари дин тўғрисидаги қонунларни бузувчи шахсларни аниқлаб, уларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш юзасидан жуда сусткашлик билан иш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига, область, район, шаҳар ижроия комитетларига дин тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан контролни кучайтириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишни, бу ишларни аҳолини КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ғоявий-сиёсий, меҳнат, маънавий ва атеистик тарбиялаш ишлари билан қўшиб олиб боришни топширди. Бир қанча республика министрликлари ва идораларига ҳам тегишли топшириқлар берилди.

Республика давлат ҳаётининг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси бугун, 4 июль куни, эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари бугун эрталаб соат 8 дан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети оқсоқоллар кенгашининг мажлиси бугун, 4 июль куни, эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида бўлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1986 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА УНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

ҳам шундай аҳвол рўй берди. Бу ерда мебель шчитлари учун безак материалларни ишлаб чиқарадиган қимматбаҳо асбоб-ускунадан фойдаланилмаётганлигига технологик занжиридаги чалкашликлар сабаб бўлмоқда. Корхона раҳбарлари Н. В. Прохоров, Н. Т. Галиева, Я. М. Кравченко ўртоқларнинг бепарволиги ва саводсизлиги давлатга шу тарзда жуда қимматга тушмоқда. Тегишли партия комитетлари буни принципиал тарзда муҳокама қиладилар, деб ўйлаймиз.

Ҳозир барча раҳбарлар асосий фондларни янгилашнинг энг мақбул йўлларини танлаб олиниши, жадаллаштириш стратегиясини амалда таъминлай олиши ҳақида ўйлашлари керак. Шу мақсадда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг корхона ихтиёридаги маблағларидан, кредит системасидан кенг фойдаланиш лозим. Республикада кредитлаш ҳажми йилига 5,5 миллиард сўмга боради, аммо бу маблағ асосан жорий хўжалик эҳтиёжларига ҳамда хўжасизлик оқибатидаги зарарлар ва янглишишларни қоплашга ишлатилмоқда. Шу маблағнинг кўпи билан уч проценти — 150 миллион сўмга яқинигина корхоналарни реконструкциялашга сарфланмоқда. Ўзбекистон Давлат банки (ўртоқ Ш. Е. Ёқубов) ва Ўзбекистон қурилиш банки (ўртоқ Т. С. Азимов), Молия министрлиги (ўртоқ А. А. Крикоров) КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг молия-кредит системаси партия иқтисодий сиёсатини ўтказишнинг қудратли воситаси бўлиб қолиши керак, деган кўрсатмаларидан зарур хулосаларни чиқариб оладиган пайт келди.

Шу билан айни бир вақтда унумсиз, маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналардан қатъиян воз кечиш, ленинградликлардан ўрнак олиб, янги техникадан икки-уч сменада интенсив фойдаланиш ва унинг иш сменалари коэффициентини ошириш керак. Ҳозир эса ҳатто «Тошкент трактор заводи» ва Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари сингари республиканинг илғор корхоналари ҳам программа асосида бошқариладиган ускуналардан, қайта ишлаш марказларидан, автомат линиялардан, мослашувчан ишлаб чиқариш модулларидан атиги 1,5 сменада фойдаланмоқдалар.

Барча раҳбарлар республикамизнинг беш йиллик планида ҳозирча фондларнинг самарадорлиги камайиши тенденциясини бартараф этиш тадбирлари белгиланмагани учун ташвишланишлари керак. Асосий ишлаб чиқариш фондлари 34 процент, жами ижтимоий маҳсулот эса 24 процент кўпайиши ҳисоб-китобларга негиз қилиб олинган.

Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки фонд самарадорлигининг 1 проценти — республика миқёсида сал кам 500 миллион сўмлик тайёр маҳсулот демакдир. Бинобарин, партия, совет, хўжалик органлари аҳволни тузатиб олиш учун алоҳида куч-ғайрат сарфлашлари керак. Имкони борича кўпроқ корхона ва ташкилотларни икки ва уч сменали иш режимига ўтказиш — бунинг энг асосий резервларидан биридир. Бу бир қанча тармоқларга тааллуқли бўлиб, уларнинг бир сменада ишлашини ҳеч қандай объектив шарт-шароитлар билан оқлаб бўлмайди. Масалан, Маҳаллий саноат министрлигининг 122 та корхонасидан 50 таси бир сменада ишлайди. Умуман, тармоқ бўйича смена коэффициенти 1,25 ни ташкил этади. Кўпгина корхоналар, масалан, Бухоро тўқимачилик, Андижон ип газлама комбинатлари бир сменада ҳам асбоб-ускуналарни иш билан тўла-тўкис таъмин этмаяптилар. Республикадаги йирик панелли уйсозлик қувватларидан атиги 61 процент фойдаланилмоқда.

Область, шаҳар, район партия комитетлари бу аҳволга муросасозлик билан қараб келмоқдалар, кадрларга нисбатан тегишли равишда талабчанлик қилмаяптилар. Баъзи раҳбарлар бу проблеманинг ҳал этилишига тўсқинлик қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР Давлат банки ва унинг бошқарувчиси ўртоқ Ш. Е. Ёқубов расмий мулоҳазаларга ва маҳкамачилик манфаатларига асосланиб, пиллакашлик фабрикаларини икки сменада ишлашга ўтказишга тўсқинлик қилмоқда, бунга ҳақ тўлашдан бош тортмоқда. Республикада кўп миқдорда қуруқ пилла тўпланиб қолган, тармоқ корхоналари уни қайта ишлашга улгура олмаяптилар. Наҳотки ўртоқ Ёқубовга коммунист эканини ва ўзига топширилган участкадаги ишнинг аҳволи учун шахсан жавобгар эканини эслатиш зарур бўлса.

Мазкур масала меҳнат ресурслари проблемаси билан чамбарчас, узвий боғлиқ эканини унутмаслик керак. Бизнинг бу соҳадаги ишимиз қаттиқ ва ҳаққоний танқид қилинганлиги ва қониқарсиз деб топилганини биласизлар. Меҳнатга лаёқатли кўпгина аҳоли, шу жумладан эркаклар ижтимоий фойдали меҳнатга тортилмаган, корхона ва қурилишларда эса ишчилар етишмаётган аҳволга бундан кейин тоқат қилиб бўлмайди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ўн иккинчи беш йиллик мобайнида меҳнат ресурсларининг ўсиши анча ошади. 1990 йилга борганда ишга тортилмаган аҳоли сони ҳам ошади. Планда эса меҳнатга лаёқатли аҳолидан атиги 600 минг кишини жамоат ишлаб чиқаришига жалб этиш белгиланган. Бундай ҳисоб-китобларга қўшилиб бўлмайди. Ҳамма жойда бу хусусда узил-кесил чора-тадбирлар кўрилиши зарур. Ишга эътибор ва зўр ғайрат билан ёндашилган тақдирда юзлаб кишилар қўшимча равишда ишлаб чиқаришга жалб этилиши мумкинлигини Марғилон шаҳридаги иш тажрибаси кўрсатиб турибди. Бу ердаги бир қанча корхоналарда иш уч сменада ташкил этилди, бу эса фондларнинг самарадорлигига ижобий таъсир қилди.

«Атлас» бирлашмасининг ўзида учинчи сменани ташкил этиш ҳисобига қўшимча равишда жалб этилган 400 киши йилига 70 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу тажрибани тез оммалаштириш ва партия, совет, хўжалик органлари уни қурол қилиб олишлари керак.

Бироқ бу ташаббус ҳатто бир область миқёсида ҳам ўрганилаётгани ва оммалаштирилаётгани йўқ. Яқинда Компартия Марказий Комитети Қўқон шаҳар партия комитетининг ишчи кадрлар тайёрлаш соҳасида партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш тўғрисидаги ҳисоботини тинглади. Бу соҳада шаҳар партия комитети ҳам, унинг биринчи секретари ўртоқ Мусабеков ҳам қўлни ишга урмаяптилар. Кўрсатма ва йўл-йўриқ берилишини кутиб ўтирибдилар. Бундай иш услубига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги бутун ишга бошчилик қилиш Министрлар Совети Раиси ўртоқ Ғ. Ҳ. Қодиров бошчилигида тузилган махсус комиссияга топширилган. Аммо ҳозирча кўнгилдагидек натижаларга эришилгани йўқ. Вақт ўтмоқда, шовқин-сурон, мажлислар кўп, протоколларга ҳамма кўмилиб кетган. Бундай иш бизга тўғри келмайди. Бир неча ҳафта ичида корхоналарда иккинчи ва учинчи сменалар ташкил этилиши керак, иш жойлари бўш турадиган вақт тобора камайиб борсин, ниҳоят белгиланган программа реал равишда ва ҳамма соҳаларда амалга оширилсин. Бу масала ҳозир шундай ва фақат шундай тарзда турибди! Корхоналарни икки ва уч сменали ишга ўтказишда Марказий Комитет секретари ўртоқ А. С. Икромов ҳам кўпроқ қатъият кўрсатиши керак.

Бизнинг бундан буёнги олға силжишимиз кўп жиҳатдан маҳсулотнинг сифатига ва шу соҳада ўтказилаётган бутун ишга муносабат билан белгиланади. Кўпинча унчалик сарфу харажат қилмай, ишга виждонан қараш, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, меҳнат, технология интизомини мустаҳкамлаш, ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш ҳисобига маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига эришиш мумкин.

Партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарларидан ҳозир ҳамма жойда айни шу масалаларда қайта қуриш талаб қилинади. Қуйидаги рақамларнинг мағзини чақиб кўринг: бизда ишлаб чиқарилаётган мебелнинг 38 проценти брак қилинмоқда, бир кварталнинг ўзида 11 минг жуфт пойабзал ёки ҳар уч жуфт пойабзалнинг бир жуфти ва 466 минг сўмлик тикилган маҳсулот бракка чиқарилди, сорти пасайтирилди ва корхоналарга қайтариб юборилди. Бухоро, Андижон пойабзал фабрикаларида, Хоразм, Бухоро тикувчилик бирлашмаларида маҳсулот сифатига дуруст раҳбарлик қилинмаяпти. Шу шаҳарларнинг партия комитетлари секретарлари Э. Салимов, Т. Ҳотамов, Р. Султонов ўртоқлардан, бундан хабарингиз борми,—деб сўраб кўринг. Улар буни албатта биладилар ва кўриб турибдилар. Аммо бунга ўрганиб, кўникиб қолганлар, қандай қилиб бундан яхшироқ ишлаш мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Яна ўша эскирган, қотиб қолган иш усули кўриниб турибди. Ўртоқлар, «чопарлар»ни кутманглар, ғафлат уйқусидан уйғонинглар, ҳаракат қилинглар, деб илтимос қиламиз.

Раҳбарнинг ялқовлиги ва бепарволиги жуда қимматга тушади. Масалан, «Узбекхлопкомаш» бирлашмаси 14 йилдан буён эскирган нусхадаги разборшчиклар ва 19 йилдан бери эскирган вентиляторларни ишлаб чиқармоқда. Яқинда у ердаги пахта тозалагичларнинг 100 проценти брак қилинди. Бу корхонанинг директори ўртоқ Турсунов шу йиғилишдан ўзининг партиявий масъулиятини, агар бундай масъулияти қолган бўлса, кучлироқ ҳис этиш керак экан, деган хулоса чиқариб олиши керак. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида» матбуотда эълон қилинган қарори айни мана шундай масъулиятга ва партиявийликка даъват этмоқда.

Шу йилнинг ўзидаёқ кўпгина корхоналар, аввало машинасозлик корхоналари маҳсулот сифатига идорадан ташқари контрол — давлат қабул органлари томонидан баҳо берилишига ўтади. Корхоналарнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари бунга ҳар томонлама тайёргарлик кўришлари ва юқори органларнинг ёрдами билан яроқсиз маҳсулотни бир амаллаб ўтказиб оламиз, деган хом хаёлга берилмасликлари керак. Бракчиларга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмайди. Бу масалада Марказий Комитет муросасиз позицияда туради. Ишлаб чиқариш тўхтаб қолмаслиги ёки маҳсулотнинг қисман чиқариб ташланиши ва шунга яраша оқибатлар келиб чиқмаслиги учун ҳозирнинг ўзидаёқ пухта ўйлаб тузилган ташкилий-техникавий планга мувофиқ янги шароитда ишлашга технологияни, ҳужжатларни, асосий, ёрдамчи ва синов асбоб-ускуналарини тайёрлаб қўйиш керак.

Инсон омилига алоҳида эътибор берилиши керак. Инженер-техник ходимнинг, ишчининг сифатсиз ишлаши оқибатлари нимага олиб боришини уларнинг ҳар бирига техникавий ва иқтисодий тилда аниқ-равшан тушунтириб бериш зарур. Вазифа шундан иборатки, эҳтимол, йиллар мобайнида қилинмаган ишни яқин ярим йил ичида қилиш керак. Бундан бошқа йўл йўқ, экономикани жадаллаштириш стратегияси ва уни ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитлари шуни талаб қилади.

Марказий Комитет бўлимлари, область, шаҳар, район партия комитетлари олдида, Давлат стандарти Ўзбекистон республика бошқармаси олдида давлат қабул раҳбарлари лавозимига партиянинг маҳсулот сифатини тубдан ошириш тўғрисидаги кўрсатмасини амалда таъминлай оладиган, ҳалол, принципиал, юқори малакали мутахассисларни танлашдек масъулиятли вазифа турибди.

Мана шу ҳамма соҳаларда машинасозлик бизни жуда ташвишга солмоқда. КПСС Марказий Комитети бу тармоқ олдига алоҳида вазифалар қўймоқда, чунки техника тараққиётининг кўпгина ютуқ ва камчиликлари шу тармоққа бориб тақалади. Дарҳақиқат, ҳозир республика пахтакорлари қўлидаги пахта териш машиналарининг самарадорлиги унчалик юқори эмаслиги учун аввало «Главмашхлопководства» бирлашмаси, пахтачилик машиналари Давлат махсус конструкторлик бюроси, «Ташсельмаш» заводи, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти айбдордир.

Коммунист П. М. Мирзааҳмедов бошчилик қилаётган Давлат махсус конструкторлик бюросининг иши ҳақида алоҳида гапирмоқ керак. Бу ерда кўпдан бери новаторлик руҳи сезилмаяпти. Конструкторлик бюроси ишлаб чиққан ва ишлаб чиқаришга юборган машиналарнинг 60 процентдан кўпроғи ҳозирги замон даражасига мос келмайди. Аммо бу раҳбарнинг ҳар қандай янгиликка йўл бермаслик маҳорати ошиб-тошиб ётибди.

Яқинда юксак самарали пахта териш машинасини яратиш билан шуғулланадиган тармоқлараро фан-техника марказини ташкил этишга қарор берилди. Пухта ўйлаб кўрилиб, марказ составига СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг, республика Давлат агросаноат комитетининг ташкилотлари киритилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Алексей Данилович Глушченко шу марказнинг раҳбари, пахта териш техникасининг бош конструктори ва «Главмашхлопководства» бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланди. Натижалар ҳақида ҳали гапиришга эрта, аммо бу — ишга прогрессив ёндашув бўлиб, бошқа республикаларда синаб кўрилган.

Марказни тузиш соҳасидаги ишда консерватизм ва қолоқликни бартараф этишга тўғри келганини айтиб ўтмоқ керак. Сафаров ва Мирзааҳмедов сингари шахслар янгиликка ҳар томонлама қаршилик қилдилар, унга йўл бермасликка интилдилар. Яроқсиз иш услубининг ҳамма иллатлари: маҳаллийчилик ҳам, жиззакилик ҳам, худбинлик ҳам намоён бўлди. Баъзан бизда ишлар юришмаётганлигининг сабаби мана шу эмасмикан? Мана, 4 йилдирки экскаватор заводида янги экскаваторни ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда, аммо бу экскаватор ўз даражаси жиҳатидан жаҳон стандартларидан анча паст экани ҳозироқ кўриниб турибди.

Биз 100 от кучига эга бўлган двигателлар ишлаб чиқарувчи янги мотор заводига катта умидлар билан қараяпмиз. Бироқ, унинг биринчи навбати ишга туширилган бўлса ҳам, ҳақиқатда моторлар чиқарилмаётганлигини, комплектлаш деталлари Минскдан ташиб келтирилаётганини афсусланиб тан олишга тўғри келади. Завод директори ўртоқ Бўриев янги ишга эскича ёндаша бошлади, оқибатда ҳозир ҳеч қандай натижа кўринмаяпти. 80-100-120-150 от кучига эга бўлган тракторларнинг мослашувчан технологиясини яратиш соҳасида Тошкент трактор заводида ҳам тузукроқ натижага эришилмаяпти.

Бу мисоллар шундан далолат берадики, биз машинасозлик комплексини тубдан қайта қуриш учун қўшимча чора-тадбирларни кўришимиз зарур. Машинасозлик олдида турган проблемаларни ҳал этишга янгича ёндашиш лозим. Аввало, олдинги марраларга чиқиб олиш қобилияти йўқ, деган ва кўпгина кишиларнинг онгига ўрнашиб қолган фикрга барҳам бериш лозим. Бирлашмалар, корхоналар, идоралар, конструкторлик бюролари, институтлар, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг раҳбарлари бутун куч-ғайратларини дунёда эришилган ютуқларни мунтазам равишда илмий таҳлил этишга қаратишлари, асосий тенденцияларни аниқлашлари ва ўз олдиларига конкрет вазифалар қўйишлари керак.

Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашга катта умидлар боғлаяпмиз. Бу кенгашнинг бош вазифаси вужудга келтирилган ишлаб чиқариш — техника потенциалидан янада тўла-тўкис фойдаланиш, хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш йўлидаги танг жойларни тугатишдан иборат.

Тежамкорлик проблемаси ҳақида алоҳида гапирмоқ керак. Ишлаб чиқариш миқёслари ўсган сайин бу проблеманинг аҳамияти ҳам ошмоқда. Рақамларга назар ташланг, ўртоқлар. Республика халқ хўжалиги йилига 1,7 миллион тонна металл прокати, 5 миллион тоннадан кўпроқ цемент, ғўла ҳисобида 3,1 миллион куб метр ёғоч-тахта, 1,6 миллион тонна бензин ишлатади. Мана шундай жуда кўп миқдордаги материалларни республикага ташиб келтириш ва ҳар бир истеъмолчига етказиб бериш керак.

Металл прокатининг бир процентинигина тежаш «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиллик истеъмолига тенг келади, мана шунча металл прокатидан қўшимча равишда 8 мингта сеялка, 4 мингта кўсак чувиш машинаси ишлаб чиқариш мумкин. Ҳолбуки, машинасозларнинг ўзлари ишлатилаётган металлнинг қарийб 20 процентини қириндига, чиқиндига чиқариб юборадилар, шу тариқа 80 минг тоннага яқин металл исроф бўлади. Цемент, ёғоч материаллар, электр энергия, ёқилғи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хусусида ҳам шундай мисолларни келтириш мумкин. Шу сабабли материал ишлатилишини камайтириш ва ресурсларни тежаш жуда ўткир ва актуал проблемадир. Бу проблема билан кун сайин ва асосли равишда шуғулланиш керак.

Шу муносабат билан илмий муассасалар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг иши самарадорлиги масалалари алоҳида ўткирлик касб этади. Улар фан-техника тараққиётининг етакчи соҳаларига ва аввало машинасозликка, электроника ва автоматикага мутлақо етарли эътибор бермаётганликларини тан олмоқ керак. Кўпчилик олимларимиз тарихни кавлаштиришга, шарқшуносликка берилиб кетганлар, осори атиқаларни завқ билан тадқиқ қилмоқдалар. Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти проблемаларига, аввало машинасозлик ва материалшунослик масалаларига келганда, 32 минг илмий ходимдан бир мингдан сал кўпроғигина шуғулланмоқда, бу — жами илмий ходимларнинг 4 процентига тўғри келади.

Республика Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари ўтакетган масъулиятсизлик ва фан соҳасида инсофсизлик қилмоқдалар. Ўн биринчи беш йиллик мобайнида бу ерда ишлаб турган 2700 ходим ҳисобига атиги 60 та авторлик гувоҳномаси олинди, бу ишларнинг бор-йўғи иккитаси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Аммо илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилганидан буён унинг ходимларидан 628 киши кандидатлик диссертациясини ёқлади, шу диссертацияларнинг 200 тадан кўпроғи ўтган беш йилликда ёқланди. Ишни бежаб кўрсатиш учун иқтисодий самарадорликка 21 миллион сўм қўшиб ёзилди, қилинган ҳар сўм чиқимнинг самараси ҳисоботлардаги 4 сўм ўрнига ҳақиқатда 66 тийинни ташкил қилди.

Бирлашма автомат системалари яратишнинг замонавий технологиясини ўзлаштира олмагач, соддалаштирилган ва эскирган лойиҳаларни ўтказиш йўлига ўтди. Масалан, 51 минг сўм иқтисодий наф билан жорий этилди, деб расмийлаштирилган юк автотранспорти соҳасидаги ҳисоб-китоблар (тема раҳбари фан доктори ўртоқ Т. А. Қодиров) Ўзбекистон ССР Госплани томонидан мутлақо номукаммал деб рад этилди. Пахта тозалаш соҳасида автомат бошқарув системасини яратиш йўлидаги уринишлар (тема раҳбари фан доктори ўртоқ З. М. Солиҳов) натижасиз тугади.

Ҳозир бош директор ўртоқ В. Қ. Қобуловдан ва партком секретари ўртоқ У. Қудратовдан, хўш сизлар фан-техника тараққиётининг энг муҳим йўналишини текин даромад манбаига айлантириб юбориш даражасига қандай қилиб бориб етдинглар, деб сўраш ўринлидир. Фанлар академиямизнинг президенти ўртоқ П. Қ. Ҳабибуллаев ишни қайтадан қуриши керак. Очиғини айтганда, биз унинг фақат бир бўлинмасига синчиклаб назар ташладик, унга барча бўлинмаларда қатъий партиявий, давлат интизоми ўрнатишни, илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги учун талабчанлик ва жавобгарликни оширишни маслаҳат берамиз. Биз чинакам илм-фанни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, аммо уни текин даромад манбаига айлантиришга уринган кишиларга йўлни қаттиқ беркитиб қўямиз.

Интенсивлаш проблемалари ҳақида гапирганда, бу масалаларда кўп нарса инфраструктурани — транспорт ва алоқанинг пухта ишлашига боғлиқ эканини уқтирмоқ керак. Ўтмишда биз бу соҳадаги қолоқлик ишлаб чиқаришнинг ривожига жиддий тўсиқ бўлганини, социал-маиший соҳада чигалликлар келтириб чиқарганини неча марта айтган эдик. Беш йиллик планида бу соҳадаги ишларнинг катта программаси белгиланди.

Ўрта Осиё темир йўлининг партия ташкилотлари ва раҳбарлари Белоруссия темирйўлчиларининг тажрибасини актив жорий этиб, тўғри иш тутмоқдалар. Натижада шу йилнинг ўзидаёқ 9 минг киши бошқа ишлар учун бўшатиб олинди, иш ҳақи фондидан 5 миллион сўм тежалди. Айни вақтда асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхшиланди. Меҳнат унумдорлиги 11,5 процент ошди.

Аммо бир қанча ташкилотларда резервлардан яхши фойдаланилмаяпти. Автомобиль транспорти министрлигида йил бошидан буён 12 миллион тонна юк кам ташилди, автомобилларнинг юксиз қатнаши кўпайди, ҳаракат составининг унумдорлиги пасайди, пассажир ташишни уюштиришда жиддий узилишлар сезилмоқда. Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасида учиш хавфсизлиги қоидаларини таъминлашдаги камчиликлар сусткашлик билан тугатилаётганини ўртоқ Б. Т. Турикка яна эслатиб ўтишга тўғри келади. Чамаси, хизмат ходимлари яқин ўтмишдаги воқеалардан тегишли сабоқлар чиқариб олмаганлар, бу ерда самолётларга юк ортиш қоидалари бузилмоқда, самолётларнинг ҳаракати устидан диспетчерлик назорати пасайтириб юборилган. Алоқа ишларини ташкил этиш соҳасида бўлганидек, бу ердаги аҳволни ҳам қатъиян яхшилаш керак.

Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда капитал қурилиш муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқаришдаги ишлар ҳам, уй-жой ва маданий-маиший шароитларнинг яхшиланиши ҳам кўп жиҳатдан шу тармоқдаги ишларнинг ҳолатига боғлиқ.

Ўн иккинчи беш йилликда, юқорида айтилганидек, қурилишга аввалги беш йилдагидан кўра анча кўп капитал маблағ сарфланади. Шу жуда катта маблағдан самарали фойдаланиш ва уни ўзлаштириш учун бизнинг масъулиятимиз ҳам шунга мувофиқ равишда ортади. Бироқ капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи ҳали ҳам ҳаддан ташқари тиғиз бўлиб турибди. КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида бу тармоқнинг ишига берилган баҳо бизнинг республикамиз учун айниқса характерлидир.

Илгари бўлганидек, ҳозир ҳам капитал маблағларни планлаштириш, тақсимлаш ва уларни сарфлашдаги назоратда қаттиқ давлат тартиби ўрнатилмаган. Шу йилнинг ўзидаёқ қурилиш-монтаж ишлари плани беш марта қайта кўриб чиқилганлиги ва натижада дастлабкисига нисбатан 115 миллион сўм ёки 3 процент оширилганлигини айтиш кифоя. Бунда гап планнинг ўзгартирилаётганидагина эмас (бу табиий жараёндир) балки бу иш устидан зарур назорат йўқлигидадир, натижада қурилиш министрликлари ва идоралари ўртасида иш тақсимлаш меъёри бузилмоқда, ресурслар билан маневр қилиш имконияти йўқ. Бу ишни Госплан раиси ўртоқ И. А. Каримов, республика Госстройи раиси ўртоқ Ш. У. Ҳайдарова, қурилиш министрликлари ва идораларининг раҳбарлари кузатиб туришлари керак. Қурилиш банки бошқарувчиси ўртоқ Т. С. Азимов шахсан ўзи планлаштиришга етарли эътибор бермаётганлиги, назоратнинг сустлиги оқибатида жиддий муваффақиятсизликлар рўй бермоқда.

Хуллас, республика қурилиш цехининг иши бугун бизни бутунлай қаноатлантирмайди. Агар коммунистчасига айтадиган бўлсак, биз бош қурилиш бўлинмаларининг раҳбарлари бўлган А. Г. Мананников, К. П. Дудин, Б. С. Ҳамидов ўртоқлардан ҳамон самарали иш кутиб турибмиз. Лекин ҳанузгача бу самарани олаётганимиз йўқ. Ҳад-ҳудудсиз тушунтиришлар ва турли-туман баҳоналар ҳозирча биринчи планда турибди.

Шу аснода биз капитал маблағларни кўпдан-кўп қурилишларга сочиб юборишдек яроқсиз практикага ҳанузгача барҳам бера олмадик. 1986 йилда ўтган йилдан ўтган 1100 объект қурилиши тўхтатиб қўйилди, 171 миллион сўм чала қурилишларга илашиб қолди. Ҳамма айбдорларни санаб ўтадиган бўлсак, бир соат ҳам кифоя қилмас эди. Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Қ. Ҳ. Маҳамадалиев ишга чинакамига киришадиган фурсат етди, деб ўйлаймиз. Марказий Комитетнинг қурилаётган объектлар ревизияси ўтказиш ва муддатида битказилмайдиган қурилишларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги топшириғи нега ҳозиргача бажарилмади? Ахир худди шу сабабга кўра шу кунгача ҳам 1987 йил ва шундан кейинги йиллар қурилишларининг аниқ программаси, шунингдек хўжалик усулида бажариладиган пудрат ишлари программаси белгиланмади. 1986—1990 йилларда Ўзбекистон ССР қурилишларида пудрат ташкилотларининг қувватларини ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш комплекс программаси ҳам ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Шу боисдан ҳам бизда қурилиш конвейери йўқ, ҳамма камчиликлар шунинг оқибатида рўй бермоқда.

Лойиҳа-смета ишини такомиллаштириш масалалари ҳам ўртоқ Маҳамадалиев зиммасидадир. Амалга оширилаётган лойиҳаларнинг 30 проценти эскириб, замонавий талабларга жавоб бермай қолган экан, қурилиш ташкилотлари нормал ишлаши мумкинми? Бу ишда ҳам шошилинч экспертиза талаб этилади. Кўриниб турибдики, бу ишда ҳам айрим раҳбарларга энг паст партиявий баҳо қўйишга тўғри келмоқда.

Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш проблемаси хусусида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш тўғрисида XXVII съездда қўйилган вазифани ҳал этмоқ учун биз уч беш йилликда 220 миллион квадрат метр, бундан аввалги ўн беш йилдагига нисбатан икки ярим баравар кўп уй-жой қуришимиз керак.

Кўпгина республика органлари, областлар, шаҳарлар ва районларнинг раҳбарларида, афсуски, ҳанузгача тайёрга айёрлик кайфиятлари кучли, улар бу масалалар хусусида давлат капитал маблағлари ва марказий фондларга кўз тикишдан бўлак силжиш бўлишини хаёлларига ҳам келтираётганлари йўқ. Бирорта областда йил бошидан бери уй-жой кооперацияси планлари бажарилмади. Ўртоқ Н. Нарзуллаев раҳбарлигидаги Бухоро область ижроия комитети уй-жой кооператив қурилишини умуман тўхтатиб қўйишни таклиф этмоқда. Биз область партия комитетидан (ўртоқ И. Ж. Жабборов) бу масалани дарҳол кўриб чиқишни сўраймиз. Якка тартибда уй-жой қуриш эса Андижон ва Навоий областларида белгилаб қўйилганидан 2—3 процент атрофида, Жиззах ва Сирдарё областларида эса 10—20 проценти атрофида олиб борилмоқда. Бунга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Н. Нарзуллаев, Ж. Ҳасанов, И. К. Бўриев, А. Ҳабибуллаев, И. Қўчқоров ўртоқларни улар бу соха учун шахсан партиявий жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантириб қўйиш қолди, холос. Марказий Комитет ишнинг бу тахлитда қўйилиши билан муроса қила олмайди, у сўнгги чораларни ҳам кўриши мумкин.

Советлар бу участкани қаттиқ назорат остига олишлари лозим, улар аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун биринчи навбатда жавобгардирлар. Бунинг учун Советларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари етарли.

Ўртоқлар! Беш йиллик планда республика агросаноат секторини жадал ривожлантириш кўзда тутилган. Юксак суръатлар, аввало Озиқ-овқат программаси тақозоси билан, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса хом ашёга бўлган талабини тобора тўлароқ қондириш зарурати тақозоси билан белгиланган. Тармоққа капитал маблағ сарфлаш кўпаяди, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилади. Маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш корхоналарининг равнақига кўпроқ аҳамият берилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал юксалтиришни таъминламоқ учун ҳамма белгиланган ишларни тўла-тўкис бажариш билан бир қаторда қўшимча резервларни ҳам қидириб топиш керак. Шу боисдан ҳам партиямизнинг XXVII съезди бўлиб ўтган бу йил — ўн иккинчи беш йилликнинг тўнғич йили алоҳида аҳамиятга эгадир. Биз ҳаммамиз сиёсий ва амалий етуклик учун жиддий имтиҳон топширмоқдамиз ва бу имтиҳонни ҳеч қандай имтиёзсиз ва ўтмишга имо-ишорасиз топширишимиз керак. Рўй-рост айтишимиз керакки, қишлоқ хўжалигида илгари йўл қўйилган бузилишлар ва фирибгарликларни назарда тутиб, КПСС Марказий Комитети мана икки йилдан бери бизга нисбатан сабр-бардош қилиб келяпти. Лекин сабрнинг ҳам чеки бўлади. Эндиликда биз партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига, республика агросаноат комплексига сарфланаётган катта-катта давлат маблағларига амалий иш билан жавоб беришимиз керак.

Гап аввало республика экономикасининг асосий тармоғи бўлган пахтачилик тўғрисида, мамлакат халқ хўжалиги комплексига Ўзбекистоннинг асосий ҳиссаси ҳақида бормоқда. Пахтанинг ўртача йиллик ялпи ҳосилини оширишимиз, тола ишлаб чиқариш ва етказиб беришни 1 миллион 830 минг тоннага етказишимиз керак. Бу пахта ҳосилдорлигини яна ҳам оширишни, пировард маҳсулотнинг сони ва сифатига қараб тайёрлаш системаси ва хом ашёга ҳақ тўлашни такомиллаштиришни талаб қилади.

1990 йил кўрсаткичларига эришмоқ учун республикадаги ўртача ҳосилдорликни гектар бошига 29 центнергача етказиш ёки пахта ҳосилдорлигини 1985 йилдагига нисбатан икки центнер оширишимиз керак. Бу реал вазифадир. Бунга ҳамма областлар ва районларнинг, барча хўжаликларнинг қурби етади.

Пахтачилик комплексида кейинги йилларда ижобий тенденциялар рўй берди. Хом ашё ялпи ҳосили камайганига қарамай, тола ишлаб чиқариш кўпаймоқда. 1985 йил пахтасидан 1 миллион 680 минг тонна ёки ўтган мавсумдагига қараганда 100 минг тонна кўп тола олинди. Аммо пахта заводларининг омборларида тип ва нави бўйича мос тушмаган ва реализация қилинмаган 30 минг тоннадан кўпроқ тола йиғилиб қолганлигини нормал ҳол деб бўлмайди.

Бу ўринда Г. С. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти директори Мираҳмедов, «Союзхлопок» Бутуниттифоқ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Имомалиев, ўсимликлар экспериментал биология институти директори Абдуллаев, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими раиси Акмалхонов ўртоқлар шаънига жиддий танбеҳ айтишга тўғри келади. Улар неча ўн йиллардан бери гўё жўшқин фаолият кўрсатиб келаётгандек бўлсалар-да пахтанинг зарур бўлган навлари илгари ҳам бўлмаган эди, ҳозир ҳам йўқ. Бу илмий жиҳатдан самарасиз ишнинг кимга ҳожати бор? Марказий Комитет секретари ўртоқ В. А. Антоновга шахсан бу масалани синчиклаб ўрганиб, зарур хулосалар чиқариб аниқлик киритишни топшириш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз.

Пахта тозалаш саноати тармоғидаги вазифа тайёрлов шохобчаларини ишлаб чиқариш жойларига яқинлаштиришдан иборатдир. Одатда, ҳар бир хўжалик қуритиш-тозалаш ускунаси бўлган ўз тайёрлов пунктига эга бўлиши лозим. 1400 хўжаликдан фақат 170 таси қошидагина ана шундай пунктлар бор. Аммо шунга қарамай, ўн иккинчи беш йилликда бор-йўғи 15 та пункт қурилиши мўлжалланмоқда. Афтидан, планларни қайта кўриб чиқиш зарурати борга ўхшайди. Айни вақтда пахта сақланадиган майдончалар қурилишини жадаллаштириш, навни ва тола чиқишини аниқлаш йўллари ва методларини қидириб топиш борасидаги ишни активлаштириш, хом ашёни қабул қилиб олиш, асраш ва қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш юзасидан илмий ечимларни жорий этишни жадаллаштириш керак.

Ана шу муаммоларни бугун, ҳозироқ ҳал қилиш керак. Барча ташкилий, сиёсий ва хўжалик ишини бош вазифага, янги беш йилликнинг тўнғич йилида пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қаратиш лозим. Масала кўндаланг турибди: биз бу ишни уддалай оламизми ёки йўқми, гап ана шу ҳақда бормоқда. Сувнинг ниҳоятда тақчиллиги, ҳарорат етишмай ҳаво беқарор бўлиб турганлиги қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқармоқда, лекин бу биз учун имтиҳондир. Агар биз бу имтиҳондан ўта олмасак, бу аввало бизнинг ночорлигимизга қўйилган баҳо бўлади.

Ҳозир майдонларнинг 30 процентида ғўза ривожи ўтган йилдагига нисбатан тахминан 15 кунгача орқада қолмоқда. Кўпгина пайкалларда ғўза ола чиққан, унинг ривожида анча нотекисликлар бор.

Далаларга тўғри, ривожига қараб ишлов бериб, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиб қолоқликка барҳам бериш лозим. Минерал ва органик ўғитлардан, ҳар бир литр сувдан оқилона фойдаланиш, ғўзанинг заракунандалари ва касалликларига қарши самарали кураш учун хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг жавобгарлигини ошириш керак.

Биз резерв ва имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланаётган, меҳнатни тўғри ташкил этаётган, мўл ҳосил олаётган колхоз ва совхозларни кўплаб мисол келтиришимиз мумкин. Маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланиш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш соҳасида кўп ишлаётган Тошкент ва Хоразм пахтакорларининг тажрибаси қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

Аммо бир қанча ерларда агротехника қўпол тарзда бузилмоқда, деҳқончилик маданияти паст. Бу йилги сув тақчиллиги шароитларида умуман республика бўйича ва айниқса Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё ва Навоий областларида сувдан фойдаланиш коэффициенти ниҳоятда паст. Бухоро областида 14 минг ўрнига фақат 7 минг сувчи ишламоқда. Навоий областида эса 7 минг ўрнига 3 минг, Жиззах областида 11 минг ўрнига 7 минг сувчи ишламоқда. Оқибатда далалар кўллатиб суғорилмоқда, айрим жойларда эса сув зовурларга оқизилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида дала ва фермаларнинг маҳсулдорлиги юқори бўлиши учун интенсив технология кенг қўлланилиши лозимлиги яна бир карра уқтириб ўтилди. Республика Давлат агросаноат комитети буйруқ чиқариб, янги технологиялар бўйича қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган майдонларни аниқлаб берди, базавий хўжаликларни белгилади. Лекин гап-сўз ва қоғозбозликдан нарига ўтилаётгани йўқ. Пахтачиликда бу метод умуман қўлланилмаяпти. Интенсив технология бўйича фақат 4 ярим минг гектар ерда сабзавот ва 400 гектар ерда картошка етиштирилмоқда. Чорвачиликдаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Фарғона областида сут етиштиришнинг поток цехи технологиясига фақат бир хўжалик ўтказилган, Навоий областида эса бундай технология умуман жорий этилмаган. Наҳотки бизда бу ишни назорат қиладиган одамлар бўлмаса? Бугун ана шу саволни ўртоқ И. Ҳ. Жўрабековга ҳам, Марказий Комитет секретари ўртоқ В. А. Антоновга ҳам бериш жоиз бўлур эди.

(Давоми учинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1986 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА УНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Яна бир бошқа масала ҳам бор. Нега биз ҳанузгача суғориладиган ерларнинг самараси пастлигига, техникадан, минерал ўғитлардан, ишлаб чиқариш қувватларидан ёмон фойдаланилаётганлигига тоқат қилиб келмоқдамиз? Фарғона ва Наманган областларида фондлар самараси Хоразм ва Самарқанд областларидагига нисбатан 25—30 процент пастлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Ёки Қашқадарё ва Сирдарё областларида бир килограмм минерал ўғит ҳосилга қўшадиган ҳисса Андижон ва Сурхондарё областларидагига нисбатан нега кам, деб сўраш ўринли-ку, ахир.

Маблағлар ва моддий-техника ресурсларни тақсимотидаги тенгчиликни қайта кўриб чиқишга тўғри келади, деб биз ана шу область раҳбарларини огоҳлантириб қўйишимиз лозим. Маблағлар аввало улардан яхшироқ фойдаланилаётган ва катта самара бераётган ерларга йўналтирилади.

Озиқ-овқат программасини амалга оширишда сиёсий ва хўжалик жиҳатдан етукликка бугун аввало чорвачиликдаги ва унинг хал қилувчи бўғини бўлган озуқа етиштиришдаги конкрет ишларга қараб баҳо берилади.

Бугун Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССР раҳбарлари фаолиятига хос бўлган қусур хўжасизлик ва исрофгарчиликдир. Бу ерларда чорва сони камайди, ҳар юз бош сигирдан олинадиган бузоқлар озайди. Фермаларда тартиб ўрнатиш учун олиб борилаётган иш ниҳоятда қониқарсиздир. Кўпгина чорвачилик фермаларини реконструкция қилиш талаб этилади, суньий қочириш, санитария жиҳатдан ишлов бериш пунктлари, озуқа цехлари ва ошхоналари етишмайди, асосий сермеҳнат ишлар механизациялаштирилмаган, ходимлар учун энг зарур шароитлар яратилмаган. Ишлар тоқат қилиб бўлмайдиган даражада суст бормоқда, чорва қишловига тайёргарлик юзасидан белгиланган тадбирлар бажарилмаяпти.

Беш йиллик планда ҳам, ҳозирги ишларда ҳам тармоқнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш проблемаларига янгича ёндашиш лозим. Металл ва бетондан тикланган қимматга тушаётган йирик комплексларга умид боғлаш ўзини оқламади. Фақат ўн биринчи беш йиллик мобайнидагина чорвачилик объектлари қурилишига (шу жумладан паррандачиликка) 772 миллион сўм сарфланди, аммо зарур самарага эришилгани йўқ. Капитал маблағлардан фойдаланишнинг ана шундай практикасига барҳам бериш пайти келди. Республикамизнинг иқлим шароитлари чорвачилик биноларини енгил маҳаллий материаллардан қуриш имкониятини беради. Бу қурилишга кетадиган маблағларни тежаб қолиш, уларнинг бир қисмини фермаларни техника билан жиҳозлаш, чорвадорлар учун зарур шароитлар яратишга сарфлаш имкониятини беради.

Тармоқ ривожидаги кўпгина камчиликлар чорва туёғини кўпайтириш соҳасидаги ишларнинг ёмонлиги, наслчилик ишининг савияси пастлиги оқибатидир. Хўжаликларимиз асосан бошқа республикалардан зотдор бузоқ олиб келишга кўз тикиб, ўз имкониятлари эвазига махсулдорлиги юқори бўлган чорва молларини кўпайтиришга эътибор бермаяптилар.

Ўн биринчи беш йилликда республикага 274 миллион сўм сарфлаб 230 минг бошдан кўпроқ зотли бузоқлар олиб келинди, ўзимиздаги сигирлардан 996 минг бош бузоқ олинди. Аммо урғочи қорамол нормадан ташқари гўштга топширилиши оқибатида беш йиллик мобайнида сигирлар фақат 15,6 минг бош кўпайди. Хўш уларнинг қолгани қаерга кетди? Бунга чинакам партиявий баҳо ҳали берилгани йўқ, бу аввало Марказий Комитетнинг камчилигидир, биз яқин орада буни тузатишимиз керак. Партиявий диққат-эътиборга муносиб бўлган бир мисол бор. Жиззах областига сўнгги беш йил мобайнида 26 минг бош зотли бузоқ келтирилди, 46 минг бош ўз бузоқлари олинди, сигирлар эса 1981 йилга нисбатан кўпайиш ўрнига аксинча 1,2 минг бош камайиб кетди. Шу давр ичида 2426 сигир сўйилди, 8174 таси гўштга топширилди. 600 бошдан кўпроғи эса нобуд бўлди. Халқ бойлигига шу қадар хўжасизларча муносабат билан, ўртоқ Умаров, сиз ўзингиз шуғулланинг, ёки акс ҳолда Марказий Комитет Бюроси шуғулланишга мажбур бўлади.

Озуқа масаласига алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Кўпгина областларнинг раҳбарлари ҳали ҳам омилкорлик билан иш тутмаяптилар, ички резервларга диққат-эътибор қилмаяптилар. Яқинда КПСС Марказий Комитети республикада озуқа тайёрлаш қониқарсиз ташкил этилганлиги ҳақидаги масалани махсус муҳокама қилди. Жумладан, Жиззах, Навоий областлари ва Қорақалпоғистон АССРда суғориладиган ҳар гектар ердан фақат 25—35 центнердан озуқа бирлиги олинаётганлигига эътибор қаратилди. Силос учун экиладиган маккажўхори ҳосилдорлиги Сурхондарё областида қарийб икки баравар камайди. Республикада пресслаш методи билан озуқанинг 30 процентдан сал кўпроғи тайёрланмоқда. Силос бўйича омборларга бўлган эҳтиёжнинг фақат ярмиси, ем-хашак бўйича 14 проценти, илдиз мевали экинлар ҳосили бўйича 1 проценти қондирилган холос. Кўпчилик хўжаликларда беда ўрими ҳеч бир асоссиз чўзилиб кетмоқда, бедазорларни суғориш ва озиқлантириш ўз вақтида ўтказилмайди, оқибатда Қорақалпоғистон АССР, Жиззах областида беда биринчи ўрими ҳосилдорлиги нари борса 20—22 центнер бўлди. Озуқа экинларини такрор экишга етарли эътибор берилмайди, эртанги сабзавот, дон, бошоқли экинлар ҳосили йиғиштириб олинган кўп майдонлар силос учун маккажўхори экиш мақсадида фойдаланилмайди.

Хуллас ўртоқлар, биз фермалар, озуқалар ва яйловлар ҳақида кўп гапирамиз, қарорлар қабул қиламиз, бунинг учун эса ҳеч ким чинакамига жавобгар эмас. Бу ўринда ўз-ўзини танқид руҳида шуни тан олиш керакки, Марказий Комитет, унинг Бюроси ва секретариатининг ноталабчан услуби ҳам кўзга чалинмоқда. Биз бугун рўй-рост гаплашмоқдамиз ва шартта очиқ-ойдин айтишимиз керакки, бу камчиликлар бизга фазилат бахш этмайди. Биз яқин орада ана шу ҳамма бемаънигарчиликларни бартараф этишга киришиб, ишни кадрлардан бошлаймиз. Ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг, ўртоқлар, бош зоотехник ва бош ветеринария врачлари лавозимларида бизда махсус маълумоти бўлмаган жуда кўп одамлар ишламоқдалар. Ферма мудирларининг 40 проценти практиклардир. Ферма раҳбарлари орасида бу соҳага тасодифан келиб қолган чорвачилик масалаларини билмайдиган кишилар кўп. Шу боисдан ҳам мушкулликлар содир бўлмоқда.

Биз биргаликда куч-ғайрат сарфлаб тайёрга айёрлик кайфиятларига қатъиян барҳам беришимиз, план топшириқларини пасайтиришга эришиш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг, қўшимча тарзда озуқа ажратиш ҳақидаги турли-туман илтимосларнинг пайини қирқишимиз керак. Давлат ихтиёрида бундай имкониятларнинг ўзи йўқ. Ўзимиз учун ўзимиз яхшироқ ишлашимиз керак.

Аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳамон ўткир бўлиб турибди. Республика 4,7 миллион тонна мева ва сабзавот етиштириб, 3,2 миллион тоннасини давлатга топширмоқда. Колхоз ва совхозларга планда белгиланган картошка ва мева-сабзавот ҳажмининг 30 процентигача бўлган қисмини бозорларда сотишга рухсат берилганига қарамай бу ишда силжиш бўлгани йўқ.

Область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига лоқайд қараш ҳолларига йўл қўймоқдалар. Масалан, Сурхондарё областида 80 минг тоннадан кўпроқ сабзавот тайёрланди. Термиз шаҳридаги бозорда эса 1 июнгача бор-йўғи 15 тонна ана шундай маҳсулот сотилди. Бошқа областларда ҳам аҳвол ана шундай. СССР Марказий статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, оқибатда 25 май куни Тошкентда карам нархи Белгород шаҳридагига қараганда икки баравар қиммат, лавлаги нархи эса Омск ва Томск шаҳарларидагига қараганда бир ярим баравар қиммат бўлди. Нукус шаҳри бозорларида эса сабзи Тобольск ва Новокузнецк шаҳарларидаги нарх билан сотилди.

Бундай аҳволнинг сабабларидан бири шундаки, хом ашёдан хўжасизларча фойдаланилмоқда, маҳсулот кўплаб нес-нобуд қилинмоқда, савдо ёмон ташкил этилган, омборлар йўқ. Консерва саноати болалар учун компотлар, қиёмлар, мева-сабзавот консерваларини жуда кам тайёрламоқда, планлар бажарилмаяпти. Аҳоли жон бошига йилига бор-йўғи 300 грамм қиём ва мураббо тайёрланмоқда. Тоғолча, олча, гилос, олхўри, нок, тут мевалардан шарбатлар тайёрлаш эҳтиёжни қондирмаяпти, қиймаланган бақлажон ва кабачки ишлаб чиқариш ташкил этилмаган.

Масалан, 1985 йилга нисбатан қуруқ мева ишлаб чиқариш ҳажмини фақат 3 минг тонна кўпайтириш мўлжалланганини нима билан изоҳлаш мумкин, ахир, Вино ишлаб чиқариш камайиши муносабати билан узумни қуритиш ҳисобигагина майиз етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш мумкин-ку?

Боғлар, полизлар, узумзорлар маҳсулотларининг кўп қисми йиғим-терим пайтидаги камчиликлар, асраш ва қайта ишлаш чоғидаги нобудгарчилик оқибатида исроф бўлмоқда, айни вақтда республикага Белоруссия, Украина, Болтиқбўйи республикалари, Арманистон ва Озарбайжондан мева-сабзавот маҳсулотлари, Болгариядан эса олча шарбати ташиб келтирилмоқда. 1985 йилнинг ўзидагина республика кооператорлари бошқа регионлардан 3,5 миллион шартли банка компот, мураббо, маринадланган бодринг, томат ва бошқа мева-сабзавот консерваларидан 650 минг сўмликдан ортиқ ташиб келтирдилар. Истак бўлса, ана шу маҳсулотларнинг ҳаммасини маҳаллий хом ашёдан Ўзбекбирлашув раҳбари ўртоқ А. Маҳмудов ўз корхоналарида тайёрлаши мумкин эди. Бироқ афтидан, таъсир кўрсатишнинг алоҳида чораларини қўлланиш зарурга ўхшайди. Шу йилнинг 5 ойи мобайнида Давлат агросаноат комитети корхоналари савдога 22 миллион шартли банка консерваланган мева-сабзавотларни, шу жумладан 3 миллион шартли банка мева шарбатларини кам етказиб бердилар. Бу ўринда Министрлар Совети шаънига яна бир таъна гап айтиш ўринлидир, кўп йиллар мобайнида у қайта ишлаш саноати равнақига диққат-эътибор бермай келмоқда. Бугунги таъна Министрлар Совети шаънига айтилган сўнгги эслатиш бўлади, деб умид қиламиз.

Боғдорчилик тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Бу тармоқда ҳам камчилик яққол кўзга ташланмоқда: дарахтларнинг умумий структурасида уруғлик мевали дарахтлар, асосан олмалар салмоғи 70 процентдан ҳам ортиб кетади, данак мевали дарахтлар улуши эса тўртдан бирдан ҳам камроқдир. Бундан 10—15 йил муқаддам бу нисбат бутунлай бошқача, тенг баробар эди. Олма ва нокларни териб олиш ва асраш ўрик ва шафтолини териб олиш ва асрашга қараганда осонроқ албатта. Олма билан нокни мамлакатимизнинг деярли ҳамма ўлкаларида, ўрик ва шафтолини эса фақат бизнинг ноёб иқлим шароитларимиздагина етиштириш мумкин. Биз осон йўлни танлаб олмаслигимиз, меҳнаткашлар манфаатларини, бутун халқ манфаатларини ўйлаб иш юритишимиз керак.

Р. Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори ўртоқ М. М. Мирзаев боғдорчиликда бош йўлни ўтказиши шарт. У кўчат етиштириш билангина шуғулланиб қолмасдан боғдорчиликнинг илмий асосларини ишлаб чиқиши, унинг структурасини асослаб бериши лозим, лекин у бу ишни қилаётгани йўқ.

Аҳолини мева ва ёнғоқ билан таъминлашни яхшилаш юзасидан биз ўрмон хўжалиги министри ўртоқ П. Ю. Юсуповга ҳамон катта умид боғлаб турибмиз. Аммо бу тармоқда ҳам иш барбод бўлган. Беш йил мобайнида бор-йўғи 280 тонна ёнғоқ сотилди. Бу ҳар гектардан 1,6 центнерга тўғри келади.

Шаҳар кооператив савдоси дўконларида зира, зирк ва бошқа зираворлар аҳён-аҳёнда учрайди. Шу сабабдан ҳам ана шу маҳсулотларни бозорларда чой қошиқларида ниҳоятда баланд нархларда сотмоқдалар. Бугун биз докладда номларини тилга олаётган ўртоқлар шуни яхши билишлари керакки, бу уларга қаттиқ огоҳлантиришдир.

Саноатнинг озиқ-овқат тармоқлари ҳақида бир оз тўхталиб ўтиш лозим, бу тармоқларда маҳсулот турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, маҳсулотга мева қўшиб тайёрлаш, аралаш шарбатлар, маҳсулотнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш масалалари ниҳоятда суст ҳал этилмоқда. Бу соҳада корхоналарни реконструкция қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш, прогрессив технология ва илғор тажрибани жорий этиш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни бажариш лозим. Ана шу талаблар инобатга олиниб, капитал маблағларнинг структураси, улардан йўналишлар бўйича фойдаланиш ишлаб чиқилиши лозим.

Кўриб турибсизки, ўртоқлар, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш резервлари ва фойдаланилмаётган имкониятлари бизда кўп. Биз фурсатни бой бермай, шу йилнинг ўзидаёқ ана шу резерв ва имкониятларни ишга солишимиз лозим. Бозорлардаги колхоз ва совхоз магазинлари тармоғини кескин кенгайтириш, сотилаётган маҳсулотнинг тури ва сифати устидан қаттиқ назоратни йўлга қўйиш, мева-сабзавот-картошка омборларини кўпайтириш, уларни бюджет маблағлари ҳисобидан ҳам, хўжаликларнинг маблағлари ҳисобидан ҳам қуриш — биринчи галдаги вазифадир. Область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, Давлат агросаноат комитети органлари бу масалалар билан партиявий йўсинда, собитқадамлик ва омилкорлик билан шуғулланишлари, янги ечимлар ва ёндашувларни қидиришлари керак. Партия, ҳукумат, меҳнаткашлар биздан қуруқ ваъдаларни эмас, балки амалий ишларни кутмоқдалар. Оқлаш учун бизда ҳеч қанақа сабаб йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ўн иккинчи беш йиллик — жўшқин социал сиёсат, бой социал программа беш йиллигидир. Уй-жой ва шаҳар ҳамда қишлоқларни ободонлаштириш, реал даромадлар ва савдони ўстириш, маиший хизмат, маданият, халқ маорифи ва олий мактаб ислоҳоти, соғлиқни сақлаш ҳамда социал таъминот — ана шу масалаларнинг ҳаммаси бўйича план лойиҳасида йирик миқёсли тадбирлар кўзда тутилган.

Бу проблемаларнинг айримлари ҳақида биз юқорида айтиб ўтдик. Буларнинг бир қисми яқин орада бўладиган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология масалаларига бағишланган пленумида батафсил муҳокама қилинади. Шу боисдан айрим масалаларгагина тўхтаб ўтишга ижозат берсангиз.

Гап аввало, интизом ва тартибни янада мустаҳкамлаш, социал адолат принципларига қатъий риоя қилиш устида бормоқда. Инсон омилига етарли баҳо бермаслик, тарбия муаммоларига кампания тарзида ёндашув, динга ва аввало ислом динига тилёғламалик, турли патриархал урф-одатларни халқ урф-одатлари деб ҳаётимизга олиб кириш кўпгина маънавий негизларга путур етказди. Аҳолининг бир қисмида меҳнат қилмай роҳат кўриш ва хусусий мулкчилик психологиясини, жамиятдан кўпроқ юлиб олишга интилиш ҳирсини уйғотди.

Республикада меҳнатсиз даромадлар жиддий проблема бўлиб турибди. Ўн минглаб ва юз минглаб кишилар ҳеч қаерда ишламай, меҳнатсиз даромад ҳисобига яшамоқдалар. Томорқа участкаси саҳнини, гражданларнинг ёрдамчи хўжалигидаги мол бошини белгилашда колхознинг намунавий устави ва совет қонунларини бузиш ҳоллари кенг тарқалди. Томорқа участкаларида белгиланган нормадан ташқари 20 минг гектардан кўп ер банд бўлиб қолганини айтиб ўтиш кифоядир. Бу суғориладиган деҳқончилик шароитларида айниқса юқори бўлган ер рентаси вазиятида содир бўлмоқда. Бу борада республика Олий Совети Президиуми ва шахсан унинг Раиси ўртоқ О. У. Салимов ўз сўзини айтиши керак. Бу ишда маҳаллий Советларнинг ролини ошириш лозим.

Энг қаттиқ чоралар кўрилишига қарамай, айниқса ўғирликлар, пораxўрликлар, турли-туман найранглар билан боғлиқ бўлган жиноятлар сони камаймаяпти. Янгигина бир мисол. Яқинда катта миқдорда валюта операциялари қилиб келган ака-ука Мирзахоновларни милиция органлари қўлга туширди. Уларнинг ёнида 2 мингдан кўпроқ доллар, 3 минг марка, қарийб 17 минг франк ҳамда кўп миқдорда фунт стерлинг, крона ва лира каби валюталар топилди. Қўлга олиш пайтида ҳатто улардан бири 50 доллар қоғоз пулни ютиб юборди.

Улар меҳмонхоналарда доимо найрангбозлик қилиб келганлар ва ўзларининг «Волга» машинасида чет эллик туристларнинг республика бўйлаб қилган сафарларида бирга юрганлар. Хўш, улар ўз жиноятларини қандай қилиб яшира олганлар, ишдаги найрангларини қандай ниқоблаганлар, деган савол туғилади. Маълум бўлишича, ака-укалардан бири умуман ҳеч ерда ишламаган, иккинчиси эса номи тилга олинган «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида инженер деб рўйхатдан ўтказилган.

Кейинги вақтларда кўпайиб бораётган ўғирликлар, талончиликлар, талон-торожлар катта ташвиш туғдирмоқда. Бултур қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чайқов қилиш фактлари юзасидан кўпгина жиноий иш қўзғатилди, чайқовчиларнинг 500 тоннадан кўпроқ сабзавот ва меваси мусодара қилинди.

СССР Министрлар Советининг меҳнатсиз даромадларга қарши кураш тўғрисидаги қарори ва СССР Олий Совети Президиумининг шу ҳақдаги Фармони 1 июлдан кучга кирди. Партия, совет, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари жамиятимизда текинхўрлик билан кун кўраётган шахсларга нисбатан чораларни кучайтирибгина қолмай, шу билан бирга тарбиявий, ташкилотчилик ишларини ва жиноятнинг олдини олиш ишини кучайтиришлари ҳам керак. Бу гап ичкиликбозликка қарши курашга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Бу йўлдаги дастлабки силжишлар бизни хотиржамликка сола олмайди.. Бундан буён ҳам зўр ғайрат билан ҳаракат қилиб, қонунбузарларга нисбатан талабчанликни ошириш, ҳушёрлик жамиятлари тармоғини кенг ривожлантириш керак.

Яна бир масала. Яқинда республика аҳолисининг соғлиғини сақлашнинг холати текшириб кўрилди. Шунчаки камчиликларгина топилиб қолмай, эътиборсизлик, тамагирлик, врачга хос ахлоқ-одобни бузиш, дори-дармонлар билан чайқовчилик қилишнинг ўз миқёслари жиҳатидан ақл бовар қилмайдиган ҳодисалари ва бошқа жиноятлар ҳам аниқланди. Соғлиқни сақлаш масалалари юзасидан кейинги йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бир неча бор қарорлар қабул қилдилар. Бироқ белгиланган тадбирларнинг кўплари бажарилмаяпти. Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ С. У. Султонова ва Компартия Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Р. Ҳ. Абдуллаева бу ишни етарли равишда контрол қилмаяптилар. Республика территориясида наша экилаётганлиги тўғрисида яқинда «Известия» газетасида босилган мақола ҳаммамизни ташвишга солиши керак. Мана шу ва бошқа фактлар ҳамда ҳодисалар бундан буён ҳам жамиятга зид турли-туман ножўя ишларга қарши курашни кучайтиришимиз, республикадаги вазиятни соғломлаштириш ишида партия, совет, давлат органларининг, жамоат ташкилотларининг куч-ғайратларини оширишимиз кераклигидан далолат бериб турибди.

Мана шуларнинг ҳаммаси партиявий раҳбарлик услуби ва методларини қатъиян қайта кўриб чиқиш ва янгилашни, ташкилотчилик ва сиёсий ишни такомиллаштиришни талаб қилади.

«Биз съезддан кейинги фаолиятнинг шундай босқичига кирдикки, — деди Михаил Сергеевич Горбачев КПСС Марказий Комитетининг Пленумида қилган докладида, — қайта қуриш ва қуриш маҳоратини кўрсатишимиз, янги форма ва методларни излашимиз керак».

Кейинги вақтларда партия комитетлари ва ташкилотлари фаолиятида янгиликнинг баъзи элементлари пайдо бўла бошлади.

Бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигининг бир қанча жойларда ўтказилган кўриги қуйи партия бўғинлари фаолиятини бир мунча жонлантирди. Йиғилишларда коммунист раҳбарларнинг ҳисоботлари тез-тез тинглана бошлади.

Бироқ буларнинг ҳаммаси, Ленин ибораси билан айтганда бизда ҳали «...пухта ўйланмаган, тушуниб олинмаган, ҳис этилмаган, пала-партиш илиб олинган, текшириб кўрилмаган, тажрибада тасдиқланмаган, мустаҳкамланмаган»дир. Ҳаёт қолоқликни, турғунликни, эскирган, ўз умрини яшаб бўлган иш формалари ва методларига мойилликни дадилроқ бартараф этишни қатъий талаб қилмоқда. Партия комитетларининг ҳамма ходимлари ҳам, хўжалик раҳбарлари, сайлаб қўйилган ҳамма активлар ҳам туб бурилиш зарурлигини ўзларига сингдириб олганлари йўқ.

Яқинда биз КПСС Марказий Комитетидан ибрат олиб, барча область партия комитетларида, бир қанча шаҳар, район партия комитетларида, кўпгина партия ташкилотларида партия XXVII съезди талаблари асосида қайта қуриш қандай бораётганини ўрганиб чиқдик.

Партия комитетларида мажлисбозлик, чора-тадбирларни қалаштириб ташлаш ва қоғозбозлик ҳали ҳам тугатилган эмас. Михаил Сергеевич Горбачевнинг докладида мана шу камчиликлар учун Тошкент шаҳар партия комитети ҳақли равишда танқид қилинди. Бу гап республиканинг бошқа партия комитетларига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Чунончи, Қашқадарё, Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Навоий область партия комитетлари партия ташкилотларига ҳаддан ташқари кўп миқдорда қоғоз юбормоқдалар, қабул этилган қарорларнинг ижроси устидан ҳақиқий контроллик қилиш ўрнига юзлаб турли ахборотларни талаб қилиб олмоқдалар.

Танқид ва ўз-ўзини танқидга етарли баҳо бермаслик ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди. Масалан, Жиззах шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайлов даврида айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни шу пайгача ҳам умумлаштиргани йўқ.

Баъзи партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларига нисбатан четдан кузатувчилик позициясида турибдилар, бундай қилиш уларга ярашмайди. Айтайлик, «Миконд» заводида жанговарлик кўриги ўтказилмоқда. Бу янги ишнинг ҳамма жиҳатлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Шаҳар партия комитети эса партия ташкилоти ўтказаётган ишни қониқарсиз деб топишнинг ўзи билангина бу ишга берадиган ёрдамини чеклаб қўя қолди. Партия комитетининг секретарлари ва ходимларидан ҳеч ким бу ерга бормаяпти, ишни тузатиб олишда ёрдам бермаяпти.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳали ҳам камдан-кам ташаббус кўрсатмоқдалар, ўз билгиларича кадрларга нисбатан дурустроқ талабчанлик қилмаяптилар, маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқидан суст фойдаланяптилар.

Республикамизда маъмуриятнинг фаолияти ва аппаратнинг иши устидан контрол қулувчи 16 мингтага яқин комиссия тузилган. Аммо деярли барча областларнинг партия комитетлари бу комиссиялар билан ишлашни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар, уларнинг фаолияти коллегиал органларнинг мажлисларида муҳокама қилинмаяпти, активларнинг ўқиши ташкил этилмаяпти, шунинг натижасида комиссияларнинг кўпчилиги қоғоздагина бор, деб ҳисобланмоқда. Бунинг устига кўпгина корхона, ташкилот ва хўжаликларда, масалан, Пайариқ районидаги пахта тозалаш заводида, Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозида янги техникани жорий этиш, техника бўлимларининг иши устидан контроллик қилувчи комиссияларга бош инженерлар, яъни шу иш учун бевосита жавобгар бўлган кишиларнинг ўзлари бошчилик қилмоқдалар. Улар ўзларининг фаолиятини ўзлари контрол қила оладиларми?

Партия ташкилотларининг структурасини такомиллаштириш, коммунистларни ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига қўйиш проблемаси кескин бўлиб турибди. Бригадаларнинг ва бошқа қуйи меҳнат коллективларининг тахминан учдан бир қисмида цех партия ташкилотлари, партия группалари йўқ. КПСС XXVII съездидан кейин партия ташкилотларидаги биринчи ҳисобот-сайлов кампанияси арафасида турганимиз учун ҳам бу соҳадаги ишлар билан шуғулланиш яна ҳам муҳимдир.

Республикада кадрларни танлаш ва тарбиялашни яхшилаш иши қатъият ва изчиллик билан ўтказилмоқда. Партия, совет, давлат органларидаги кўпгина кадрлар ўзгартирилди, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг состави мустаҳкамланди. Аммо бу — фақат дастлабки, кўп жиҳатдан ноиложликдан кўрилган чора бўлди. Бизда ҳали масъулиятсизлик, мунофиқлик, якка бошчилик билан қарорлар қабул қилиш ва қуруқ ваъдалар бериш фактлари тугатилган эмас. Кўпгина ходимлар бевосита, рўй-рост гаплашишдан ўзларини четга оладилар, масалаларни принципиал тарзда қўймайдилар, кўпинча ўз фикрларини эмас ва керак гапларни эмас, балки раҳбарларга ёқадиган гапларни гапирадилар. Айрим кадрлар умуман ўз фикрига эга бўлмай қолганлар, ҳар қандай масала хусусида юқоридан кўрсатма кутадилар. Бир қанча партия комитетларида буйруқбозлик, дабдабабозлик ва итоатгўйлик услуби қарор топиб қолганлиги сабабли ана шундай бўлмоқда. Масалан, Избоскан район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Б. Н. Расулов шундай раҳбарлик қилмоқда. Унинг раҳбарлигида район партия ташкилотининг фаолиятида туб қайта қуриш рўй бермаяпти, сусткашлик давом этяпти, иш формалари қотиб қолган, ўз ишига танқидий қаралмаяпти. Бу ерда кадрлар масалаларини ҳал этишда коллегиалликка риоя қилинмаяпти, қўполлик элементлари ва ўзбошимчалик билан қарорлар қабул қилиш ҳоллари содир бўлмоқда. Райком ходимлари ва шахсан ўртоқ Расулов бошланғич партия ташкилотларига камдан-кам борадилар, коммунистлар, меҳнаткашлар билан онда-сонда учрашадилар, гражданларнинг хатлари ва аризалари билан ишлашга дуруст эътибор бермайдилар.

Райком қоғоз орқали раҳбарлик қилиш услубига берилиб кетган. 1985 йилда район партия комитети 1984 йилга нисбатан 180 та масалани кўпроқ муҳокама қилган, уларнинг анчагина қисми хўжалик масалаларидир. Бошланғич партия ташкилотларига икки ҳисса кўп ҳужжат юборилган.

Бундай кадрлардан холи бўлиш керак, раҳбарликка кўтарилган ва умид бахш этаётган кадрларнинг ташаббускорлигини ривожлантириш, улар учун ўртоқларча талабчанлик, ҳам юқоридан, ҳам қуйидан доимо контроллик вазиятини вужудга келтириш лозим, шундагина КПСС Уставидан, партиявий ахлоқ нормаларидан ҳеч бир чекинишга йўл қўйилмайди. Илғор ишчилар, колхозчилар, хотин-қизлар, ёшларни раҳбарлик ишига дадилроқ кўтариш зарур. Ишдаги коллегиалликни, амалий танқид ва ошкораликни бундан буён ҳам ривожлантириш лозим.

Эскирган услубларни тубдан ўзгартириш, экономика, бошқариш, ташкил этишга янгича ёндашувларни қарор топтириш жараёнида идеология ходимлари олдида мураккаб вазифалар турибди. Улар расмиятчилик ва андозачиликни бошқалардан кўра эртароқ ва қатъийроқ тарк этишлари, жадаллаштиришнинг бош кучи бўлган инсоннинг кўнглига тўғри йўл топишлари, съезд қарорларини бажариш учун курашда, ўз ўрнини белгилаб олишда, ич-ичидан ўзини қайта қуришда, онгдаги зарарли сарқитлардан, аввало диний сарқитлардан қутулишда унга ёрдам беришлари керак.

Ҳозир КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг материаллари, КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига шу Пленумда қабул қилинган Мурожаатномаси бутун идеология ишининг марказида туриши керак. Партиянинг даъватини одамларнинг онги ва қалбига етказиш, меҳнаткашларни зарбдор, самарали, сифатли ишлашга бутун пропаганда ва агитация воситалари билан илҳомлантириш лозим. Бу ишда оммавий ахборот воситалари алоҳида роль ўйнайди. Биз янгиликни пропаганда қилишда ҳам, умрини яшаб бўлган, олға ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган иллатларга қарши курашда ҳам оммавий ахборот воситаларидан кўпроқ жанговарлик кутишга ҳақлимиз.

Хуллас, ўртоқлар, келгусида зўр ғайрат билан катта ва мураккаб ишларни ҳал қилишимиз лозим. Бугун сиз билан биз КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг йўл-йўриқларини эътиборга олиб, республика Министрлар Совети тақдим этган ва 1986—1990 йилларга мўлжалланган социал-иқтисодий ривожланиш плани лойиҳасини таҳлил этаяпмиз. Активларимиз маъқуллаганидан сўнг лойиҳани эртага Олий Совет сессиясининг муҳокамасига тақдим этамиз.

Айни вақтда КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишининг истиқбол плани ишлаб чиқилган. Бу план кўп жиҳатдан тиғиз бўлиб, давлат маблағлари ва ресурсларигагина эмас, шу билан бирга ўзимизнинг ички резервларимизга, интизом, уюшқоқлик, батартибликни мустаҳкамлашга, инсон омилини кучайтиришга қаратилган. Шу сабабли область, шаҳар, район партия комитетларида, бошланғич партия ташкилотларида июнь Пленумининг қарорларини муҳокама қилганда белгиланган топшириқларни бажарибгина қолмай, ошириб ҳам бажариш имконини берадиган тадбирларга асосий эътиборни қаратиш зарур.

Қайта қуришни амалга оширишни, партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини бажариш соҳасидаги амалий, ташаббускор ишни йўлга қўйишда раҳбар органлар — область, шаҳар, район партия комитетларининг бюролари, шахсан биринчи секретарлари алоҳида роль ўйнашларини англаб турибмиз. Ҳозир ҳаммамиздан сиёсий билим доирасининг кенглиги, вазифаларни чуқур тушуниш, ташкилотчилик қобилияти, юксак масъулият, танқид ва ўз-ўзининг танқид руҳида фикрлаш, чинакам партиявийлик талаб қилинади. Бу гап Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретариатига ва Бюросига, Олий Совети Президиумига ва Министрлар Советига, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига, комсомол Марказий Комитетига, барча республика органларига тўла-тўкис тааллуқлидир.

Республика партия ташкилоти, унинг барча активлари қайта қуриш йўлидан сабот билан олға борадилар, КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг қарорларини ва партиямиз XXVII съездининг кўрсатмаларини қатъият ва изчиллик билан амалга оширадилар, деб партия Марказий Комитетига сизларнинг номингиздан ваъда беришга рухсат этгайсизлар.

ЯРИМ АСР ПОСТДА

СССР Ички ишлар министрлигининг Давлат автомобиль инспекциясига ташкил этилганлигига 50 йил бўлди. 3 июль куни Тошкентда ана шу воқеага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

ГАИ ходимлари ёз жазирамаси ва қаҳратон қишда республика йўлларида кечаю кундуз хизматда турадилар. Уларга йўл ҳаракатини ташкил этишни такомиллаштиришдек масъулиятли вазифа топширилган.

Республикада автомобиллар парки йил сайин кенгайиб, аҳолига қарашли машиналар ва мотоциклар сони миллионтага етди. ГАИ ходимларига ҳайдовчиларни тайёрлаш сифати устидан назорат этиб туриш, ҳайдовчилар кўча ҳаракати қоидаларига риоя этаётганликларини, автомобиль ва мотоциклларнинг техникавий ҳолатини назорат этиб туриш вазифаси юклатилган.

Шу билан бирга Давлат автоинспекцияси ўз ишини такомиллаштириши керак, дейишди кенгаш қатнашчилари. ГАИ шахсий составини тайёрлаш ва тарбиялашга асосий эътиборни қаратиш, йўлларда тартиб сақланиши, ҳаракат қоидаларига риоя этилиши учун Давлат автоинспекцияси ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш, давлат транспортидан ғаразли мақсадларда фойдаланишга қарши курашни кучайтириш керак.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КООПЕРАТОРЛАРИ УЙИДАГИ ЙИҒИЛИШ

3 июль куни Тошкентда Халқаро кооперация кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу оммавий ҳаракатда Ўзбекистон кооператорлари ҳам актив қатнашаётганликлари айтилди. Улар барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилмоқдалар.

Ўтган беш йилликда кооператорларнинг республика аҳолисига хизматини яхшилашда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Чакана савдо ҳажми учдан бир ҳиссадан кўпроқ ортди, чунончи кундалик талаблар қондирилиши билан бирга холодильник, телевизор, енгил автомашина, мебель каби молларни сотиш кўпаймоқда. Ўзбекистон умумий овқатланиш кооператив корхоналарида бир йўла 450 минг киши овқатлана олади.

«Ўзбекбирлашув» ташкилотларининг коллективлари мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга ошириш борасидаги муҳим вазифаларни фаол бажармоқда. Шу беш йилликда озиқ-овқат маҳсулотларини харид этиш, етиштириш ва сотиш анча кўпайтирилади, республика агросаноат комплексининг барча бўғинлари билан амалий алоқалар мустаҳкамланади. Косонсой, Олтинкўл, Хонқа, Ворошилов, Риштон районларининг кооператорлари бу ишда муайян муваффақиятларга эришдилар.

(ЎзТАГ).

СТУДЕНТЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Халқлар Дўстлиги орденли Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг сиртқи бўлимида мактаб ислоҳоти талаблари асосида ўқитувчи кадрлар тайёрлашни яхшилаш ва такомиллаштиришга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Институтнинг кейинги вақтларда мактаб ва халқ маорифи органлари билан алоқаси янада мустаҳкамланиб, тубдан қайта қурилди. Студентлар учун қатор қўшимча қулайликлар яратилди.

Институтнинг Тошкент, Тўйтепа шаҳарлари, Сирдарё областида махсус ўқув консультация пунктлари ишлаб турибди. Бу жойларда имтиҳонларни ўз вақтида топширолмаган студентлардан зачет, имтиҳон қабул қилинади. Шу билан бирга уларга турли фанлардан лекция, консультациялар берилиб, якка тартибда суҳбатлар ўтказилади. Уларга ёзма ишлар бўйича маслаҳатлар ҳам бериб борилади.

Бу борада 500 нафардан ортиқ сиртқи бўлим талабасига хизмат қилиб турган Тўйтепа ўқув консультация пунктининг иши диққатга сазовордир. Ўрта Чирчиқ районидаги «ЎзЛКСМ 40 йиллиги» номли 14-ўрта мактаб биносида жойлашган бу пунктда институтга кирувчи ёшларга қулайлик яратиш мақсадида халқ маорифи соҳасида ишлаётган, олий маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар, лаборантлар, пионервожатийлар ва тарбиячилар учун бепул тайёрлов курси ҳам ташкил қилинган. Курс тингловчиларига якшанба куни малакали педагоглар турли фанлардан лекция ва консультациялар, якка тартибда суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Т. СУЛТОНОВ.

СТАДИОНДА МЕДИЦИНА-БИОЛОГИК МАРКАЗ

МАРКАЗИИ «Пахтакор» стадиони базасида кўпгина саломатлик группалари, ритмик гимнастика секциялари ишлаб турибди. Ҳар бир секцияда иштиёқ билан шуғулланаётган турли ёшдаги кишиларни учратамиз. Ана шу группаларда оқ халатли кишилар ҳам айланиб юришади. Улар биологик марказ ходимларидир.

Бу марказ ташкил этилганига ҳали бир йил ҳам бўлмади. Лекин медиклар бу ерда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, физкультура ва спорт ихлосмандларига яхши хизмат кўрсатмоқдалар. Шу ернинг ўзида физиотерапия, массаж кабинетлари, физкультура ва даволаш зали ташкил этилган. Марказда диагностик аппаратуралар, электрокардиограф, электротермометр, электр ёрдамида ухлатувчи аппарат, УВЧ, кварц аппаратлари ўрнатилган.

— Бу медицина биологик маркази «Пахтакор» стадионида шуғулланаётган барча саломатлик группалари ва умумжисмоний тайёргарлик секциялари қатнашчилари учун зарурдир,— дейди марказ мудири Р. Ҳаметов. — Мавжуд 30 группадаги 300 дан зиёд кишининг саломатлиги бир хилда деб бўлмайди. Биз ҳар бир қатнашчининг соғлиғига қараб жисмоний машқларнинг мураккаб ёки енгил формаларини тавсия этамиз. Тайёргарлик даражаси бўшроқ ҳамда жисмонан заиф бўлганлар доимий назоратимиз остига олинади. Шу тариқа физкультура ва спортнинг барча мухлислари бу ерда шуғулланиб, жисмонан чиниқадилар ва медикларимиз ёрдамида саломатликларини мустаҳкамлайдилар.

Т. КИСТАНОВА.

● ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғида меҳнаткашлар ўзларининг бўш вақтларини ўтказишни хуш кўрадилар. Бу ердаги аттракционлар айниқса шанба ва якшанба кунлари одамлар билан гавжум бўлади. Суратларда: «Ғалаба» боғи аттракционларида.

Е. Ботиров фотолари.

ХУШХАБАРЛАР

ЁЗГИ КАФЕ ОЧИЛДИ

Тошкентдаги «Ёшлар уйи» биноси олдида хилма-хил соябонлар пайдо бўлди. Бу ерда янги ёзги кафе очилди.

Кафеда музқаймоқ, салқин ичимликлар ва шарбатлар сотилади. Кечқурунлари бу ерда музика тинглаб, ёш артистлар, ҳаваскор коллективларнинг концертларини томоша қилиш мумкин.

БИРЛАШМАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

«Ўзбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида чиройли гулдонлар ва кўзгу рамкалари ишлаб чиқарила бошланди.

Бундай маҳсулотларни тайёрлаш учун полистирол чиқиндиларидан фойдаланилмоқда. Шу тариқа, қўшимча хом ашё манбаларини жалб этмаган ҳолда харидоргир моллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга муваффақ бўлинди.

БИЛЛУР ИХТИРО ЭТИЛАДИ

Бир қарашда бунинг иложи йўқдек: биллур кўп асрлардан бери маълум. Лекин бу ерда гап қўрғошин ишлатмай, бир мунча паст температурада ҳосил қилинадиган биллур тўғрисида бораётир.

Шиша эритувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, анча-мунча ёқилғини тежаш имконияти пайдо бўлди. Тошкент политехника институтининг олимлари яратган янги технологияга мувофиқ, нур синдириш кўрсаткичлари юксак, пишиқ, ҳатто кучли химиявий реагентларга ҳам бардошли сариқ тусдаги шиша олина бошлади.

Шу билан бирга биллур тайёрлаш одатдагидан анча арзонга тушади. Ҳар юз тонна маҳсулотда 95 минг сўм тежаш мумкин бўлади.

ҚУЁШ ДАВОЛАЙДИ

Семашко номидаги республика курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтида бронхиал астма, қайталанма пневмония ва бошқа хасталиклар қуёш нури ёрдами билан даволана бошланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника институтида ишлаб чиқилган янги импульсли гелиотерапевтика қурилмалари бу ерда монтаж қилинди.

Ультра бинафша нур тананинг шикастланган участкаларига тушар экан, нерв системасининг фаолиятини яхшилайди. Қуёш нури физиотерапияда энг таъсирли нурларидан бири ҳисобланади. У бошқа даволаш методларининг самарадорлигидан анча ортади.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТСИЗ ДАРОМАДГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

ЧАЙҚОВЧИНИНГ ПЕШОНАСИДА ТАМҒАСИ БОРМИ?

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ЧАЙҚОВЧИЛИК ҚИЛИШГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШ ОЛИБ БОРИЛЯПТИ?

Ёзнинг айни пишиқчилик палласи ҳам кириб келди. Боғларимиз, сабзавот ва полизчилик пайкалларимизда, шахсий томорқа участкаларида қуёш тафти, деҳқон меҳри билан бирин-сирин пишиб етилаётган хилма-хил ноз-неъматлар бугун бозорларимизни яна ҳам серфайз, гавжум қилиб юборди. Пештахталарга сиғмай қолган бир текис қип-қизил, ҳақиқдек помидор-у, булғор қалампири, янги узиб келтирилган кўм-кўк бодринг-у, хушбўй ҳидли, беқасам тўнли ҳандалак, қирмизи олма-ўриг-у, шафтолилар тобора сероб бўляпти. Бозорларда сотувчи кўп, сотувчидан ҳам олувчи кўп.

Лекин нарх-наво қандай?

Бозорга келган сотувчи оёғини тираб, молини айтганига сотяпти. Харидор ҳам сифати дидига ўтирса, нархига қийишиб ўтирмай олаяпти. Нега шундай? Нима учун челак ёки тўрхалта кўтарган харидор колхоз сабзавот дўконига ёки улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли магазинларга кирмай, бозорга боришяпти? Ахир дўкондаги сабзавотлар бозордагидан бир неча ҳисса арзон-ку?

Бундан икки-уч йил илгари-ку, харидорга бундай таъна қилолмасдик. Тан олиш керак, олдинлари колхоз сабзавот дўконлари ойлаб очилмай ётар ёки пештахтасида сарғайиб, сўлиб ётган бодринг, қорайиб, ҳидлана бошлаган карамдан бўлак ҳеч нарса кўрмасдик. Энди ундай эмас. Пештахталарда хилма-хил сабзавотлар уюб қўйилган. Помидор, бодринг, саримсоқпиёз, картошка, пиёз — ҳаммаси бор.

Хўш, нима учун истеъмолчининг кўпчилиги бу имкониятдан фойдаланмай, ўзини бозорга қиммат бўлса ҳам ураяпти? Чунки бугунги харидор ўнни кўриб бирини харид қиляпти. Қиммат бўлса ҳам сифатли маҳсулот керак ҳаммага.

Октябрь район колхоз бозорида биз икки хил манзарани, икки хил тоифага мансуб кишиларни учратдик. Бозор территориясида Тошкент райони хўжаликларига қарашли 5 та сабзавот дўкони бир растада ёнма-ён жойлашган. Ленин номли колхозга қарашли Маъмура Аъзамова савдо қилаётган сабзавот дўкони билан «Ленинград» совхозига қарашли дўконнинг эшиги ҳам, савдо зали ҳам битта. Лекин соат 12 бўлиб қолганига қарамай, совхоз дўконининг сотувчиси Маъмуржонни учратолмадик. Аъзамованинг айтиши бўйича қўшниси гўё молга кетган эмиш.

Аъзамова савдо қилаётган бўлимда помидор, сабзи, пиёз, картошка, булғор қалампири, қўйингчи, ҳамма нарса бор. Сифати яхши, нархи арзон. Лекин негадир ҳар бири ёнғоқдек келадиган майда помидорга 70 тийин нарх қўйишибди. Совхоз дўконидаги эзилиб сув оқиб, пўпанак босиб кетган помидорнинг қачон олиб келинганлиги номаълум. Баҳоси эса 52 тийин, деб ёзиб қўйилибди. Сабзининг килоси 25 тийин, лекин қўшни дўконда 15 тийин нарх қўйилган. Охунбобоев номли колхоз билан Собир Раҳимов номли колхозларга қарашли бир-бирига туташган сабзавот дўконларида ҳам шунга ўхшаш телба-тескари, ажабтовур ҳангоманинг гувоҳи бўлдик. Аввало шуни айтиш керакки, Охунбобоев номли колхозга қарашли дўконда на колхозга, на бирор савдо ташкилотига алоқаси бўлган Аҳмад Сатторов исмли бегона бир йигит савдо қиляпти. Суриштириб билсак, у колхоз дўкони сотувчиси Мансур Каримовникига меҳмон бўлиб келган экан. Бу бегона киши ҳатто баъзи маҳсулотлар нарх-навосини ҳам аниқ айтиб беролмади. Қизиғи шундаки, у билан ёнма-ён жойлашган Собир Раҳимов номли колхозга қарашли дўкон сотувчиси Ваҳоб ота Ҳакимов олманинг килосини 35 тийиндан сотяпти. Лекин худди шу рангда, шу йирикликдаги олма бояги номаълум шахс «ишлаб» турган дўконда 80 тийиндан сотиляпти. Қўшни дўконда 70 тийин, деб ёзиб қўйилган ҳар бири ёнғоқдек помидорни бу ерда 1 сўмдан деб ўтиришибди. Қизиқ, бир хилдаги маҳсулотни ҳар хил нарх билан савдо қилишни қандай тушуниш мумкин?

Бунинг устига колхоз правлениеси раҳбарлари бозорни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан тузилган шартномани ҳам тўла бажаришмаяпти. Охунбобоев номли колхоз июнь ойигача 8 тонна ўрнига бор-йўғи 2,5 тонна, Ленин номли колхоз 2 тонна картошка, 15 тонна сабзавот ўрнига 800 килограмм картошка, 10,6 тонна сабзавот юборишган. «Ленинград» совхози июнь ойининг иккинчи ярмида 3,5 тонна картошка юборди, холос.

Аҳвол шундай бўлгандан кейин бозордаги сабзавот дўконларини сифатли маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаб, савдони харидор талаби даражасида ташкил қилиш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Шартномада кўрсатилган маҳсулотларнинг ваъда қилинган муддатда тўла етказиб берилмаслигида бозор раҳбарларининг айби йўқ, деб бўлмайди.

— Биз,— дейди бозор директорининг ўринбосари М. Мажнунов,— шартномада ваъда қилинган маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бермаётган колхоз раҳбарлари билан мулоқотда бўлиб турибмиз, аммо фойдасини кўрмаяпмиз.

— Айтингчи, Охунбобоев номли колхоз олти ой давомида 8 тонна ўрнига юборган бор-йўғи 2,5 тонна сабзавотнинг турлари қандай эди?

Афсуски, бозор директорининг ўринбосари бу саволга аниқ жавоб беролмай, «биз бу томони билан қизиқмаймиз» деган баҳона билан ўзини оқламоқчи бўлди.

Қизиқ, бозор нарх-навони назорат қилмаса, колхоз сабзавот дўконига қандай маҳсулот келтирилаётганини билмаса, бундай қуруқ маълумотбозлик кимга керак? Бундай тушунча, пала-партиш иш тартибидан фойдаланган устаси фаранг чайқовчи, олибсотар текинхўрлар бозорга янада чуқурроқ ин қуриб олмайдиларми ахир?

Биз бозор директорининг хонасида оператив пункт участка инспектори Шуҳрат Дадаевни учратиб, ундан бозорда сабзавот маҳсулотлари билан чайқовчилик қилувчиларга қарши қандай кураш чоралари кўрилаётганини сўрадик. У антиқа жавоб берди:

— Нима, чайқовчининг пешонасида тамғаси бормидики, биз уни қўлидан ушлаб олиб келсак.

— Агар чайқовчининг пешонасида тамғаси бўлса, сиз каби инспекторларнинг эрталабдан кечгача бозорда «тартиб сақлаб» ўтиришларига ҳожат қолмас эди-я.

— Бошқа ишларимиз ҳам етарли...

Ана сизга савдо тартибини йўлга қўювчи бозор раҳбари-ю чайқовчиликнинг йўлига ғов солувчи ходимнинг жавоби. Дарвоқе, ўртоқ инспектор «бошқа ишларимиз ҳам етарли» деганида қайси юмушларни назарда тутди экан? Ахир бозордаги чайқовчилар, олибсотарлар камаймаяпти-ку? Ш. Дадаев бу текинхўрларнинг пешонасидаги кўринмас тамғага ишора қилиб нима демоқчи? Бу сирли жумбоқларнинг тилсими очиладиган пайтлар келди.

А. ШАЙХОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҲАР ТЎҒРИДА

ШОИР ВА ВАТАНПАРВАР

«Ажойиб кишилар ҳаёти» сериясида 1812 йилги Ватан урушининг қаҳрамони, гражданин-шоир Денис Давидовга бағишланган китоб нашр этилди.

Ёдднома ва мактуб шаклидаги манбалардан иборат ишончли ҳужжатлар асосида яратилган мазкур китоб ўқувчиларни шоир Г. Серебряков тўплаган ва ҳали эълон қилинмаган материаллар билан таништиради.

Ёрқин ва кўп қиррали шахс бўлган Д. Давидовнинг номи ҳаётлигидаёқ афсоналарга бурканган эди. Наполеон армиясининг орқа тарафида партизанлар урушининг ташкилотчиси бўлган Денис Васильевич ҳарбий санъат тарихида ҳам ёрқин из қолдирди. У, шунингдек, 1812 йилги уруш тарихини сохталаштирувчиларга қарши қаратилган бир нечта ажойиб мунозарали мақолалар муаллифи сифатида ҳам танилган.

Д. В. Давидов билан дўстлашган А. С. Пушкин унинг поэтик истеъдодига юксак баҳо берган эди. Замондошларидан бирининг: «Жуковский ва Батюшковга тақлид қилишдан ўзингни қандай сақлай билдинг», деган саволига, буюк шоир: «Бунинг учун Денис Давидовдан бурчлиман. У менга оригинал ижодкор бўлишим мумкинлигини ҳис этишимга ёрдам берди», деб жавоб қилган экан.

ДУНЁДА ЭНГ КАТТА ҒОР

Оман Султонлигининг электр энергияси ва сув манбалари министрлиги мутахассислари мамлакат шимолий қисмида дунёда энг катта бўлган карст, яъни тоштуз, оҳактош, гипс сингари эрувчи жисмлардан ташкил топган ғорни топдилар. «Ахбор Оман» газетасининг хабарига кўра, ғордаги энг катта залнинг ўлчами ниҳоятда салобатли: узунлиги 310, эни 225 ва гумбазли шифтининг баландлиги 120 метр экан. Мазкур залнинг умумий сатҳи 58 минг квадрат метрга яқин майдонни ташкил қилади. Янги «ер ости салтанати»ни дастлабки текшириш шуни кўрсатдики, унда бемалол истиқомат қилиш ҳам мумкин. Негаки, Цельсий шкаласи бўйича 17—18 даражадаги ҳарорат ва тамомила қоронғиликда калтакесак, илон ва турли хил ўргимчаклар яшамоқда.

(«ГУДОК»дан).

Редактор
Ҳ. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги базасидаги
38-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986—1987 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

электр-газ пайвандчи, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь (ўқиш муддати 1 йил), **стерженчи** (қуюв ишлаб чиқариши), **металл конструкцияларни ишлаб чиқариш бўйича слесарь, слесарь-электрик, металл қирқадиган ускуналар ремонти бўйича слесарь, металл бўйича токарь, электр кўприк кранчилари, ғишт терувчи, газ пайвандчи, дурадгор, саноат ва озиқ-овқат моллари сотувчиси, ошпаз.**

Ўқиш муддати — 3 йил.

ЎҚИШГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 14-17 ЯРИМ ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини 3 йил ўқиб битирганларга ўрта маълумот ҳамда ўрганган касби бўйича 3-4 разряд берилгани ёзилиб диплом топширилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчилар кунига тўрт маҳал бепул овқат, кийим-бош, бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчиларга ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 проценти тўланади.

Билим юртини битирганларга олий ўқув юртларига конкурсдан ташқари кириб ўқиш ҳуқуқи берилади.

Машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, характеристика.

Билим юрти адреси: Ўрта Чирчиқ райони, Наримонов шаҳри, «Водник» массиви (171, 183-автобусларнинг «38-ўрта ҳунар-техника билим юрти» бекати).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» қошидаги
6-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986—1987 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТИ, ЭКСКАВАТОР МАШИНИСТИ, БУЛЬДОЗЕР МАШИНИСТИ.

Билим юртига ўрта мактабни битирган йигит ва қизлар ҳамда Совет Армияси сафида хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади. Уларга ойига 75 сўм стипендия берилади, ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида маошнинг 50 проценти тўланади.

Ўқиш муддати 6 ой бўлиб узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта-махсус ва олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

Билим юрти қошида вокал-чолғу ансамбллари, фото ва рассомлик тўгараклари, турли спорт секциялари мунтазам ишлайди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт (гувоҳнома), маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси, таржимаи ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Ҳужжатлар қуйидаги адресда қабул қилинади. Тошкент шаҳри: Луначарский шоссеси, 69-уй (1, 4, 101 «э» 63-автобусларнинг М. Горький метро станцияси, 17, 18-троллейбусларнинг, 6, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекатлари).

Велосипеддан автомобилгача

СИЗ «УЗСПОРТТОРГ»НИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН ИСТАГАН ШАХСИЙ ТРАНСПОРТ ТУРИНИ

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

МАГАЗИНЛАРДА ҚУЙИДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН:

«ДЕСНА» МАРКАЛИ ВЕЛОСИПЕДЛАР (баҳоси 59 сўмдан 71 сўмгача) ва йиғма велосипедлар (86 сўмдан 88 сўмгача);

«МИНСК» (450 сўм), «ВОСХОД-3М» (580 сўм), «ИЖ-ЮПИТЕР-5» (1110 сўм); «ИЖ ЮПИТЕР-4» (980 сўм), «ИЖ ПЛАНЕТА-4» кажавали (1310 сўм), «ИЖ ПЛАНЕТА-4» кажавасиз (940 сўм) мотоцикллари;

«МОСКВИЧ 2140» (7500 сўм), «МОСКВИЧ 2140 ЛЮКС» (8200 сўм) ва «ЗАПОРОЖЕЦ» (3900 сўм) автомобиллари.



«УЗСПОРТТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО УЛГУРЖИ БАЗАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/«Ташкентская правда»/

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.